Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа деб билишимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан ва профилактик соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, энг аввало, қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, «Соғлом она — соғлом бола» мақсадли вазифани изчил амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг 2010-2015 йилларда қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёлларни таркибида шу жумладан фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминларнинг махсус комплекслари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

2010-2014 йилларда республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида шу жумладан фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари таркибидаги витаминларнинг энг кам рўйхати;

республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида шу жумладан фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини харид қилиш, тақсимлаш ва ажратиш тартиби тўғрисидаги Низом;

республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида шу жумладан фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини харид қилиш бўйича Идоралараро тендер комиссияси таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2010 йилда ҳомиладор аёллар учун поливитаминлар комплексини харид қилиш учун ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга назарда тутилган харажатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 8,0 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратсин.

2011-2014 йилларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича республиканинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун харид қилинадиган, таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминларнинг махсус комплексларини сотиб олишга зарур маблағларни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб кириладиган таркибида, шу жумладан, фоли кислотаси мавжуд бўлган 1-иловага киритилган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари 2015 йил 1 январгача божхона тўловлари (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод қилинсин.

5. Поливитаминларнинг махсус комплекслари республиканинг қишлоқ туманларидаги ҳомиладор аёллар сонига, препаратларнинг зарур тарзда транспортда ташилишига ва сақланишига, уларнинг ҳомиладор аёлларга мақсадли ажратилишига, шунингдек, поливитаминлар комплексларидан фойдаланишнинг зарур тарзда ҳисобга олиниши ва ҳисобот берилишига қараб ҳудудлар бўйича асосли тақсимланишини таъминлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси поливитаминлар комплексларини харид қилишга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини, шунингдек, асосли ва аниқ тарзда тақсимланишини, туман тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларигача етказиб берилишини, зарур тарзда омборга жойлаштирилиши ва сақланишини, ҳомиладор аёлларга аниқ тарзда ажратилишини мунтазам равишда текшириб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, маҳаллий телевидение, радио ва газеталар орқали ҳомиладор аёлларнинг репродуктив саломатлигини ва уларнинг бўлажак фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш учун поливитаминлар комплексларини қабул қилишнинг муҳимлиги тўғрисида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этсинлар.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари республиканинг қишлоқ туманларида ҳомиладор аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга ва аҳолининг тиббий маданиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши ёритилишига ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 июл

Эл соғлиги — юрт бойлиги

Фарғона туманидаги «Чимён» сиҳатгоҳи 350 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўзига хос меъморий ва замонавий кўринишга эга. Бу ерда дам олувчилар ҳамда даволанувчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган.

Сиҳатгоҳда юрак, қон-томир, асаб, ҳаракат таянч аъзолари, ошқозон-ичак тизими, урологик, гинекологик ҳамда тери касалликлари даволанади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарига эга даволаш биноси, сувли муолажа бўлими, турли гиёҳлар ёрдамида даволовчи фитованналар, шунингдек, маданият саройи, спорт майдони, кутубхона, чойхона ва фитобар даволанувчилар хизматида. Маъданли сув таркибида олтингугурт мавжуд бўлиб, у кўплаб касалликларни даволашда қўл келмоқда. Сув ости уқалаш муолажаси ҳам янги даволаш усулларидандир.

Суратларда: ҳамшира Дилноза Қурбонова; «Чимён» сиҳатгоҳи биноси кўриниши.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Қурултойдан қурултойгача

Тенглар ичра муносиб

Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмасининг V қурултойида 2005-2010 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шавкат Мингалиев ҳисобот маърузаси қилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Термиз халқаро аэропорти касаба уюшма қўмитаси раиси Зиёвиддин Нажмиддинов, «UAT» авиакорхонаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Лариса Скопина, Самарқанд халқаро аэропортининг касаба уюшма қўмитаси раиси Зиё Жўраев, авиация ходимлари меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси Петр Подгорний, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директори ўринбосари Эгамберди Полвонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров ва бошқалар олдинда турган вазифалар ҳамда касаба уюшма фаолиятини ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш даври талаблари даражасига кўтариш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Қурултойда Шавкат Мингалиев Республика авиация ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

(Давоми 4-бетда)

Конференциядан конференциягача

Масъулият ва мажбурият

Юртимиздаги осойишталик ва ҳамжиҳатлик, иқтисодиётнинг барқарор ривожланаётгани, халқимизнинг турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўси тобора юксалиб бораётгани диёримизда яшаётган ҳар бир фуқарода келажакка умид ва ишонч уйғотмоқда.

Вақт — елдирим. Ҳар бир инсон вақтдан унумли фойдаланиши, иложи борича самарали сарфлаши лозим. Чунки амалга оширилган ишлар сархисоб қилинганда ер чизиб қолмайлик.

Эртага Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг IV конференцияси иш бошлайди. Унда 5 йил мобайнида бажарилган ишлар муҳокама этилади ва келгусидаги режалар белгилаб олинади. Мухбиримиз бирлашма кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова билан шу мавзуда суҳбатлашди.

— Муҳайё Мирзаалиевна, асосий қонунимизнинг 59-моддасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ифодалаш, ҳимоялаш касаба уюшмаларининг бош вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Тошкент вилоят ташкилоти ҳисобот даврида бу борада қандай ютуқларга эришди?

— Айни кунда вилоятда иш олиб бораётган 2734 та бошланғич ташкилот ўз сафларига 559 минг нафарга яқин ишчи-хизматчини бирлаштирган. Бу иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг 80 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга, касаба уюшмалари кенг тармоқли ташкилий тизимга айланган. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, вилоятимиздаги аксарият корхона, муассаса ҳамда хўжаликларда бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Улар ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтираяптилар. Тармоқ битимлари, жамоа шартномалари эса ушбу ҳамкорликни қонунлаштирувчи ва рўёбга чиқарувчи асосий омил бўлиб хизмат қилаяпти. Шу боисдан ҳам мазкур ҳужжатлар меҳнат муносабатлари, у билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораяпти.

Шу ўринда икки оғиз сўз жамоа шартномалари тўғрисида: У белгиланган тадбирларнинг бажарилиши, айниқса, ёшлар, аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, турмуш ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш имкониятини бермоқда. Меҳнат таътилларига қўшимча кунлар бериш, даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, ишлаб кетган ходимлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган ҳамда ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида маъмурият билан ҳамкорликда кўпгина ишлар амалга оширилаяпти.

Айнан жамоа шартномалари орқали 424 та корхонада 4462 та қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга корхоналар ҳисобидан 110,2 млн. касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан эса 14,7 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уй-жой қуриш учун қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган ходимларнинг 96 нафарига 128 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди. 508 нафар оналарга фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар 17,9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир ходимга жамоа шартномаси орқали сарфланаётган маблағ миқдори тобора ортиб бормоқда. Масалан, жамоа шартномаларидаги бандларни бажариш учун бир ходимга 2008 йилда ўрта ҳисобда 330 минг 839 сўм сарфланган бўлса, 2009 йили бу сарф-харажат 404 минг 13 сўмни ташкил этди.

Жамоа шартномаси орқали корхона ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан 5471 нафар ишчи-хизматчи соғломлаштирилди. Бунинг учун 867 млн. сўм сарфланди.

(Давоми 2-бетда)

Янги марраларни кўзлаб...

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси конференциясида ҳам ана шу руҳ сезилиб турди. Бирлашма раиси Пайзулло Паязов маърузасида таъкидланганидек, ижтимоий шерикчилик тамойилларини ривожлантириш касаба уюшма ташкилотларининг бош вазифаларидан ҳисобланади. Кейинги вақтда вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ва касаба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик кучайгани эътироф этилди.

— Вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳудудий ва тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларини тузиш, экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказишга масъулият билан ёндашмоқда, — деди Пайзулло Паязов. — Ҳисобот даврида 1 та минтақавий келишув, 12 та ҳудудий келишув, 14 та вилоят ва 35 та туман, шаҳар миқёсидаги тармоқ келишуви ҳамда 7751 та жамоа шартномаси тузилди. Улар орқали 491 мингдан зиёд меҳнаткаш ҳамда талабанинг манфаати қамраб олинди. Жамоа шартномалари, тармоқ ва ҳудудий келишувлар орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2005 йилда 58400 сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 116 минг 500 сўмга етди.

Таъкидландики, вилоят ҳокимлиги билан тузилган минтақавий келишувнинг бажарилиши натижасида ўтган даврда муҳофазага муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун маҳаллий бюджетдан 220 млрд. 421 млн. сўм маблағ ажратилди. 763 км. табиий газ, 764,8 км. ичимлик суви тармоғи қурилди. Вилоятда барпо этилган 65566 ўринли 4 та лицей, 50 та коллеж ва 28 та мактаб кадрлар тайёрлашнинг замонавий базасига айланди.

Бозор иқтисодиётининг долзарб муаммоларидан яна бири меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашдир. Касаба уюшмалари вилоят ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда «Бандлик» дастури асосида аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизларни қайта ўқитиш, малакасини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. Жумладан, касаба уюшмалари минтақавий «Бандлик» дастурини ишлаб чиқиш, бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш, янги иш ўринлари яратиш, квоталанган иш ўринларини белгилаш бўйича таклифларини меҳнат бўлимларига ва жамоа шартномаларига киритмоқда. 2009 йили вилоятда 70762 та иш ўрни яратилди ҳамда ҳисобот даврида 22576 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож киши квота асосида ишга жойлаштирилди.

(Конференциялар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).

Ishonch
2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815)

Касаба уюшмалари — Тошкент вилояти

Масъулият ва мажбурият

Бугун барчамизнинг олдимизда келажагимиз бўлган фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодатини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш вазифаси турибди. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари тасарруфидаги маданият масканларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Жамоа шартномаси меҳнаткашлар манфаатини ҳимояловчи асосий манба бўлиб хизмат қилаётганлиги барчамизга маълум. Лекин мазкур ҳужжатга эътибор ҳамма жойда ҳам бир хил бўлмаса керак?

— Албатта, ҳамма ишлар хамирдан қил суғургандек кетаётгани йўқ. Масалан, кўпгина жамоа шартномаларига ўз мажбуриятларини бажаришлари учун томонларнинг масъулиятини оширадиган талаблар киритилмаган. Мазкур ҳужжатларнинг баъзиларига мажбуриятларини бажармаган айбдорга нисбатан чора-тадбир кўриш, иш берувчининг иш ҳақини кечиктирганлиги учун жавобгарлиги, кечиктирилган маошни индексация қилиш масалаларига ҳам атрофлича изоҳ берилмаганлиги кишини ранжитади.

Шунинг учун ҳам бошланғич, шаҳар, туман касаба уюшма ташкилотларида, тизимимиздаги вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашлари ҳамда вакилликларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференцияларида ушбу масалага жиддий эътибор қаратилди. Бу йиғилишларда биз юқоридаги камчиликларни изчиллик билан бартараф этишни янги сайланган етакчилар олдига долзарб вазифа этиб қўйдик.

— Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг яна бир муҳим қиррасидир. Ҳисобот даврида бу борада амалга оширилган ишлардан кўнглингиз тўлдими?

— Ўйлашимча, ҳар бир касаба уюшма етакчиси ўз фаолиятини танқидий баҳолаб бориши, янги-янги марраларни кўзлаши зарур. Йўқса, у бир жойда депсиниб туриб қолиши ҳеч гап эмас. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳар биримиздан айнан шуни талаб қилмоқда.

Ҳисобот даврида касаба уюшма мутахассислари томонидан 2667 та корхонадаги меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганиб чиқилди. Мазкур жараёнда меҳнатни муҳофаза қилиш қонуни, техника хавфсизлиги қоидалари ва меъёрлар талабига риоя этмаслик бўйича 16 мингдан зиёд камчилик ва нуқсонлар аниқланганлиги ташвишли ҳолат, албатта. Текширишлар давомида касаба уюшма мутахассислари аралашуви билан мазкур камчиликларнинг қарийб 90-95 фоизи бартараф этилди.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари томонидан бу мақсадлар учун ажратилаётган маблағдан ўз вақтида ва мақсадли сарфланишига етарлича эътибор бермаслик ҳолатлари билан ҳам муроса қилиб бўлмайди.

Масалан, Юқоричирчиқ ва Паркент туман машина-трактор парклари, Ангрен шаҳридаги «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик жамияти ва «Сувоқава» шўъба корхонасида, «Пискент пахта тозалаш» акционерлик жамиятида, Чиноз туман йўл хўжалиги корхоналарида маблағ етишмаслиги баҳонасида меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинган битимлардаги чора-тадбирларнинг атиги 50-70 фоизигина бажарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун бу ишга мутасадди раҳбарларнинг масъулиятларини ошириш зарур.

— Касаба уюшма ташкилотларига юклатилган асосий вазифалардан яна бири, бу ишчи-ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбий ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза-лашга қаратилган. Бу борада амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳисобот даврида тизимимиздаги касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашларга консултатив ёрдамни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат қонунчилигининг бажарилиши юзасидан мақсадли текширувлар 228 та ташкилотда ўтказилиб, амалда барча тармоқ касаба уюшма ташкилотлари қамраб олинди.

Кейинги 5 йил давомида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотларига фуқаролардан 3927 та ёзма ва оғзаки мурожаат тушди. Уларнинг аксарият талаблари қондирилиб, ҳуқуқлари тикланди.

Бу борадаги ишларимизни фаоллаштиришимиз, бунинг учун меҳнат қонунчилиги бўйича ташкил этилаётган ўқувларни такомиллаштиришимиз зарур. Амалдаги қонунларни кенг тарғиб этиш учун меҳнат жамоаларида учрашув ва бошқа тадбирлар ўтказишни кўпайтириш, бу ишга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари халқ ноиблари ва олимлар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Айни кунларда касаба уюшмаларининг вилоят, туман ҳамда шаҳар тузилмаларини бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатувчи марказларга айлантириш ҳаракатидамиз. Мақсадимиз — етакчиларда юксак салоҳият фаолликни камол топтириш. Энг муҳими, юз бериши мумкин бўлган барча муаммоларни ҳуқуқий йўл билан ҳал этиш, ижтимоий шерикчилик механизмини такомиллаштиришдир.

Суҳбатдош:
Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Мақсад

инсонларни гўзалликка ошуфта этиш

Олмалиқ шаҳрига кўрк бағишлаган «Металлург» маданият саройи 800 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2-қаватда яна 200 кишилик кичик зал мавжуд. 2007 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, янада чирой очди.

Бу ташкилий тадбирлар туфайли маданият саройида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистон, сени куйлайман» халқ ижодиёти ва амалий санъати фестивали, «КВН-қувноқлар ва зукколар» ўйини, «Комбинат гўзали» кўрик-танловлари меҳнаткашлар ўртасида ниҳоятда оммалашиб кетди.

Айни вақтда маданият саройида 28 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. 12 та болалар, 16 та бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандлари санъатнинг нозик сирларини қунт билан эгаллашаяпти.

«Радуга» цирк халқ жамоаси, «Ритм» эстрада рақс халқ жамоаси, «Русская песня» хор жамоасини нафақат шаҳримизда, балки вилоятимиз ҳамда республикамизда ҳам яхши билишади.

«Калейдоскоп» халқ рақслари ансамбли 2008 йилда ташкил топган бўлиб, ўтган йили Украина маданият маркази бошчилигида ўтказилган фестивал лауреати бўлди.

Мақсадимиз битта, бу ҳам бўлса, халқимизга маданий хизмат кўрсатиш ва ишчи-хизматчиларимизни санъат ва гўзалликка ошуфта этишдир.

Равшан НИЁЗОВ,
«Металлург» маданият саройи директори



Вакилнинг вазифаси

Ишчи-хизматчи эрта тонгдан бола-чақаси ёнига соғ-саломат қайтиш нияти билан ишга отланади. Айнан шу ҳолат касаба уюшма ташкилотларига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Шуни ҳисобга олиб, ўтган ҳисобот даврида меҳнат муҳофазаси комиссияси ҳамда жамоатчилик асосидаги вакиллар фаолиятини кучайтиришга асосий эътиборни қаратдик. Жамоа шартномасига эса мазкур йўналишда яхши кўрсаткичларга эришганларни рағбатлантиришни масхус банд этиб киритдик.

Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир корхонада даромад ҳисобидан меҳнат муҳофазаси бўйича алоҳида жамғарма тузиш юзасидан қарор қабул қилган. Шу қарор асосида корхонамиз кузатув кенгаши мазкур жамғарманинг тузилишини қўллаб-қувватлади ва тегишли бўлимларга аниқ тадбирлар ишлаб чиқишни топширди. Бу тадбир яқин орада ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади, албатта.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси соғлом ҳамда хавфсиз иш шароити яратилиши тарафдори. Шу қарор асосида бу ўта муҳим тадбир учун салмоқли маблағ ажратиб келинмоқда. Ҳисобот даврида бу рақам 3,5 мартага ошди.

Ўйлайманки, меҳнат муҳофазаси комиссиялари ҳамда вакилларининг иш фаолиятларини кучайтирсак, кўзланган натижага эришамиз.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
«Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси раиси

Якдиллик

меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилмоқда

«Бекободцементаъмир» масъулияти чекланган жамияти жамоаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қурилиш ашёлари саноати корхоналарига технологик ускуналарни тайёрлайди ва уларни таъмирлайди.

Айни вақтда ишчи-хизматчиларимиз сони 442 нафар бўлиб, уларга қулай иш шароити яратиш борасида касаба уюшма ташкилоти билан амалий ҳамкорлигимиз бугун ўз натижасини бермоқда.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Вячеслав Фоменко жонкуяр инсон. Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмайди. Лозим бўлганларга моддий ёрдам кўрсатилади. Ўтган йили ушбу рақам 134 млн. 490 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 2005 йили ўртача маош 110 минг 975 минг сўм эди. Айни вақтда бу рақам 304 минг сўмга етди.

Шу билан бирга, ўтган йили махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари учун 71 млн. 696 минг сўм сарфланди. Бу ўз самарасини бераётир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг «Касаба уюшма қўмиталари ва уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари ва вакиллари орасида 2008-2009 йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этганлик тўғрисида»ги қарорига биноан корхонамиз касаба уюшма қўмитаси «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси комиссияси», корхонамиз ишчиси Мирқурбон Очилов эса «Энг яхши меҳнатни муҳофаза қилувчи вакил» унвонларига сазовор бўлишди.

Юсуфжон ОХУНОВ,
«Бекободцементаъмир» масъулияти чекланган жамияти директори

Эътибор

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотларининг «Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашни фаолият мезони деб билган ҳолда, хусусан, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва жойларда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини имкон қадар таъминламоқда. Жумладан, меҳнат муносабатларига оид қонуний ҳуқуқлари поймол этилган аёлларга ёрдам бермоқда.

Масалан, Тошкент вилояти ўсмирлар маркази шифокори Насиба Юнусова суд орқали ўз лавозимига тикланди. Унга бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ҳамда компенсация пуллари ундириб берилди.

Меҳнат кодексининг 232- моддасига мувофиқ, 2 ва ундан ортиқ, 12 ва 16 ёшгача ногирон, боласи бор аёлларга ҳар йили ҳақ тўланадиган 3 иш кунидан кам бўлмаган қўшимча таътил, 14 календар кундан иборат иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши зарур. Амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда аёллар учун мувофиқ равишда белгиланган имтиёзлардан ташқари тармоқ битимлари ва жамоа шартномаларида хотин-қизлар ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоялаш учун қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмита раислари хотин-қизлар ҳуқуқларини ўрганиш ва баҳо бериш, аёллар орасида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини юксалтиришга йўналтирилган тадбирларни жойлардаги Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакиллари (Омбудсман) ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширмоқдалар. Ушбу масалаларни чуқурроқ ўрганиш ва муаммоларни атрофлича ҳал қилиш масалалари комиссия иш режасида ўз аксини топган.

Гўзал ТЎХТАЕВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши раиси

5298 нафар касаба уюшма аъзоси бўлган Тошкент давлат аграр университетининг бирлашган касаба уюшма ташкилоти ёш ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратмоқда.

Камарбастамиз

2009-2010 ўқув йилида ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларга 3 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 250 нафардан ортиқ талаба имтиёзли равишда университетнинг санаторий-профилактория-сида соғлиғини тиклади. Умумагранамик амалиёт даврида 160 га яқин талабага 1350 минг сўмлик пойабзал, 780 минг сўмлик дори-дармон олиб берилди.

Талабаларни спортга қизиқтириш ва соғломлаштириш борасида ҳам ибратга лойиқ ишлар бажарилмоқда. Доимий равишда спортнинг 13 тури бўйича тўгараклар ишлаб турибди. Машғулотлар самараси ўлароқ, 2009 йилнинг ноябрида армреслинг бўйича Осиё кубоги баҳсларида 60 кг. вазнда О.Салимов ғалаба қозонди. Курашчиларимиздан Б.Менглиқулов оғир вазнда республикада биринчи ўринни, 81 кг. вазнда эса Б.Бойкелдиев. 2-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, теннис, шахмат, енгил атлетика буйича 10 га яқин талабаларимиз турли мусобақаларда совринли ўринларни банд этишди.

Машғулотлар учун касаба уюшма қўмитаси 1 млн. 450 минг сўмлик спорт инвентарлари олиб берди.

Йил давомида университет «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, профессор-ўқитувчи, ходим ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар ўтказилди.

Мазкур тадбирларда Адлия вазирлиги, Тошкент вилояти адлия бошқармаси ва Ички ишлар бош бошқармаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ходимлари иштирок этишди.

Талабалар турар жойларида кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилган бўлиб, уларни газета ва журналлар билан таъминлаш, турли мавзуларда учрашувлар ташкил этишда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ошхона, ювиниш хоналарининг озодалиги мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Талабалар турар жойларидаги изолятор ва қизлар гигиена хоналари даврий равишда дори-дармон ва анжомлар билан таъминлаб келинмоқда.

Зеро, бизнинг вазифамиз эртанги ҳаётга кириб келаётган ёшларга чуқур билим бериш ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратиш, уларни замон талаби даражасидаги етук мутахассис этиб тайёрлашдир.

Н. НОРАЛИЕВ,
Тошкент давлат аграр университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Мазмунли таътил

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тизимида 12 та шаҳардан ташқари болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлиб, айни пайтларда ушбу масканларда саломатлик спартакиадалари ўтказилмоқда.



Болажонлар спортнинг дартс, арқон тортиш, волейбол, шашка, шахмат, стол тенниси, мини футбол турлари ҳамда «Алпомиш ва Барчиной» меъёрий тестлари бўйича уч сменада мусобақалашмоқдалар.

«Коинот», «Зангори олов», «Бойчечак», «Тонг», «Келажак», «Йўлчи», «Кимёгар», «Чимён» ҳамда «Цементчи» сингари ўндан зиёд оромгоҳларда ўтказилган мусобақалар болаларнинг қувончига қувонч улашмоқда.

— Мазкур баҳсларда 13 мингга яқин бола қатнашиши режалаштирилган, — дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси Акром Шердонаев. — Мусобақалар икки босқичда уюштирилаяпти. Биринчи босқичда дам олувчи болаларнинг барчаси иштирок этаётган бўлса, иккинчи босқичда гуруҳ ғолиблари баҳс олиб боришмоқда. Беллашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдираётир. Ўйлаймизки, келажакда уларнинг орасидан яхши спортчилар етишиб чиқади.

Н. МАҲАМОВ

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Неъмат РАФИҚОВ ва Шерзод АБДУСАМАДОВ тайёрлади.

Ishonch
2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815)

ходимларнинг ҳамкори ва таянчи

Наманган вилояти

Янги марраларни кўзлаб...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоят ҳокимлиги томонидан саноатни янада ривожлантириш, жаҳон бозори талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ҳудудга чет эл техника ва технологиясини олиб киришга жиддий эътибор берилмоқда. Бугун вилоятда 18 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3797 киши иш билан банд. «Ширинлик» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси, «ЎзчаСиС», «Косонсой-текстил», «Бунёд», «Сал-Нам-Текстил», «Ўзбекистон-Нестле», «Марвел-Жус-Ко» қўшма корхоналари шулар жумласидан.

Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ кенгашлари ва вакилликлари ҳамда бошланғич ташкилотлар ҳисобот даврида жамоа шартномаларининг асосий бандларидан бири бўлган иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига эътиборни кучайтирди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Касаба уюшмаларининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби»да белгиланган кўрсатмалар асосида иш берувчиларга нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

— 2010 йилнинг 6 ойи мобайнида касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар олдига 40 та талабнома қўйди. Маҳаллий ҳокимият органларига 10 та, судларга 2 та ва Марказий банк муассасаларига 5 та масала киритилди ҳамда бажарилиши назоратга олинди, — деди Пайзулло Паязов маърузасида. — Шунингдек, меҳнат муҳофазаси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бошланғич ташкилотлар, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва комиссияларга услубий ёрдам кўрсатишга эътибор қаратмоқда. 2005-2009 йилларда 2757 та бошланғич касаба уюшма ташкилотининг фаолияти ўрганилди ва уларга ёрдам берилди. Меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари бузилган 7565 та ҳолат аниқланди ва 6953 таси касаба уюшма органларининг аралашуви билан ўз вақтида бартараф этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўтган даврда 5 млрд. 23 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларга иш берувчилар томонидан бериладиган тўловларга оид 552 та мурожаат ҳал этилди, уларга етказилган зарарни қоплаш учун иш берувчилар 203 млн. 100 минг сўмдан зиёд маблағни тўлаб берди.

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилингани бежиз эмас. Касаба уюшма ташкилотлари ходимлар саломатлигини муҳофазалаш, меҳнат қобилиятини тиклаш, болаларни соғломлаштириш бўйича ўз тадбирларини белгилаб, уларни жамоа шартномаларига киритган ҳолда бажарилишини таъминлаб келмоқда.

— 2005-2009 йилларда 12500 дан ортиқ ходим ва талаба санаторий, санаторий-профилактор-ийларда саломатлигини тиклаб 30702 та бола дам олиш масканларида мириқиб ҳордиқ чиқарди, — деди Пайзулло Паязов. — 2010 йилнинг биринчи ярмида касаба уюшмалари томонидан 407 нафар ишчи сиҳатгоҳларда имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Шунингдек, 2010 йили 13030 нафар болани дам олдириш режалаштирилган бўлиб, 6 ойда 9445 та бола, шундан 2742 нафари касаба уюшмалари ҳамда 6703 нафари ҳокимлик ва ҳомийлар ҳисобидан дам олдирилди. Кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оила фарзандларидан 6800 нафари бепул соғломлаштирилди. Бундан ташқари 130 нафар «Болалар уйи» тарбияланувчилари, 50 нафар спортчи болага ҳам бепул йўлланма берилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари кўтаринки руҳда ўтди. Маълумотларга кўра, 2313 та бошланғич ташкилот 491404 аъзони қамраб олади. Уларнинг 262175 нафари аёллар, 224054 нафари 30 ёшгача бўлганлардир.

Бундан ташқари, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш мақсадида касаба уюшмалари раҳбар лавозимларига хотин-қизларни тавсия этиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида бошланғич ташкилотлар раҳбарларидан 702 нафари ёки 40 фоизи, касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиларининг 30 фоизи, цех ташкилотлари раисларининг 53,4 фоизини аёллар ташкил этди.

Конференцияда иштирок этган ЎзКУФК раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров касаба уюшмаларининг ўтган даврдаги фаолияти ва олдинда турган вазифалари борасида мулоҳазаларини билдирди.

П.Паязов янги муддатга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси этиб сайланди.

Ўз мухбиримиз

Ҳамжиҳатлик билан

Кейинги йилларда уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, вилоятдаги барча тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ҳаракатини мувофиқлаштириб боришда бирлашманинг ўрни ва ёрдами катта бўлди.

Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан ҳам ўтган даврда қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ишимизда пайдо бўлаётган муаммолар халқ таълими бўлимлари, молия ва ғазначилик идоралари билан ҳамкорликда қабул қилинган жамоа келишувлари орқали ҳал этилмоқда. Иш ҳақини тўлашдаги кечикишларни бартараф этиш, педагогик ходимларни чиқимдор қилмасдан тиббий кўрикдан ўтказиш, коммунал тўловларни табақалаштирилган тартибда ундириш каби масалалар шулар жумласидан.

Бугун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кўп масалалар ечимини топаётир. Бу нафақат меҳнат шароитини баҳолаш мезонларини келишиб олиш, шунингдек, жамоаларда ҳамжиҳатлик муҳитини яратишда беқиёс рол ўйнамоқда.

Тармоқда аёллар ва ёшлар манфаатини муҳофаза қилиш касаба уюшма қўмиталари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки касаба уюшма аъзоларининг 63 фоизини аёллар, 68 фоизини эса ёшлар ташкил этади.

Ҳар йили 8 март байрами арафасида «Аёлларга ғамхўрлик касаба уюшмалари эътиборида» мавзусида маънавий-маърифий тадбир, «Соғлом она — соғлом бола» вилоят аёллар спартакиадасини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Ўтган даврда вилоят кенгашига тушган мурожаатларнинг 54 фоизи аёлларга тегишли. Уларни кўриб чиқиш натижасида қонунга зид равишда вазифасидан бўшатилган 18 та аёл ишига тикланди, иш билан таъминланди, иш ҳақи ундириб берилди. Бунда хотин-қизлар қўмиталари, тадбиркор аёллар уюшмаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани фойда бераяпти.

Шунингдек, ўтган даврда 140 нафар талаба ва ўқувчига тармоқ касаба уюшмасининг устама стипендияси, 14 нафар етим талабанинг контракт пули тўланди. 45 та талаба санаторий, санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилди. Фаол аёллар ва ташаббускор ёшлар касаба қўмиталари ишига жалб этилди.

Вилоятда олий ўқув юртларини тугатган 2186 нафар педагог, муҳандис-педагоглар ишга қабул қилинди. Ўтган йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 89 фоизи ишга жойлашди ва олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

Халқ таълими муассасаларига юридик шахс мақоми берилиши уларга бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш учун кенг йўл очиб берди. 2009 йили вилоят бўйича бюджетдан ташқари 14 млрд. 731 млн. сўм маблағ ишлаб топилиб, ходимлар, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимоясига, маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ташкил этишга, муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланди.

Розахон ДЕҲҚОНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси

Инсонга ҳурмат — қонунга ҳурмат

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, аъзоларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Бирлашма, тармоқ кенгашлари ва вакилликларига 2005 йилдан 2010 йилгача фуқаролардан 3500 га яқин мурожаат келиб тушди. Мурожаат этувчиларга қулайлик яратиш мақсадида қабулхона ҳамда ишонч телефони ташкил этилган. Хона норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва керакли китоблар билан таъминланган. Мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Ҳисобот даврида 1048 та ёзма мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди, 2421 та оғзаки мурожаат бўйича маслаҳат берилди.

Ишдан бўшаш ёки бошқа ишга ўтиш масаласи бўйича 173 та ёзма мурожаат ўрганилиб, касаба уюшмалари аралашуви билан 122 ходим ишига тикланди. Шундан 14 нафар ходим суд орқали ишга тикланиб, 6 млн. 323 минг сўмлик зарар ундириб берилди. Аризаларни ўрганиш даврида касаба уюшмалари томонидан берилган тақдимномалар туфайли 164 та ходимга меҳнат шартномасини бекор қилишда ололмаган 25 млн. 600 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Қолганларига эса қонун талаблари асосида ишдан бўшатилганлиги ёки бошқа ишга ўтказилганлиги бўйича тушунтириш берилди.

Ўтган йилларда Металлургия, Соғлиқни сақлаш тармоқлари ва Чуст, Чортоқ, Наманган, Мингбулоқ, Янгиқўрғон туманларидаги касаба уюшма ташкилотларида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ва ходимлардан тушган мурожаатлар билан ишлаш аҳволи ўрганилиб, меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишда йўл қўйилаётган қонунбузилишлар аниқланди, уларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Қодиржон МАВЛОНОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқ бўлими мудири



иш ўринлари яратайлик

Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ходимлар учун яратиладиган шароитга боғлиқ. Бу борада «Наманган электр тармоқлари» корхонасида қатор ишлар қилинмоқда.

Жумладан, ходимларнинг оила аъзолари ва меҳнат ветеранларини соғломлаштириш бўйича Чуст тумани Фова қишлоғида 100 ўринли «Энергетик» дам олиш маскани фаолият кўрсатаяпти. Ҳисобот даврида 1514 киши соғломлаштирилди.

Наманган шаҳрида корхона қошида 60 ўринли ва Тошбулоқда 20 ўринли «Нафтуси» маъданли сувига эга бўлган физиотерапия бўлими ташкил қилинган. Ҳисобот даврида 5710 нафар ходим, оила аъзолари ва меҳнат ветеранлари тиббий санитария бўлими хизматидан фойдаланди.

Бундан ташқари, меҳнат ветеранларини иқтисодий қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор берилган. Масалан, ходим корхонамизда узлуксиз 19 йилдан ортиқ ишлаб пенсияга чиқса, иш стажига қараб корхона ҳисобидан қўшимча пенсия бериш жамоа шартномасида белгилаб қўйилган.

Камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Ойлик маошларни беришда узилишлар мавжуд. Иш ҳақидан қарздорликни бартараф қилиш бўйича маъмурият билан иш олиб бораяпмиз.

Касаба уюшмаларининг «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган шиори бор. У ҳар бир касаба уюшма етакчисининг қалбига кўчиши даркор. Шундагина ишчиларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланамиз.

Бекмурод ТОЖИБОЕВ,
«Наманган электр тармоқлари» ОАЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Баркамол авлод йилида ўқувчиларни ёзги таътилда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши кўрсатаётган ғамхўрликдан ғоят мамнунмиз.

Кўнгилли ҳордиқ

Уйчи туманидаги Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилган оромгоҳда кам таъминланган таълим ходимларининг фарзандларидан 100 нафари дам олдирилди.

Оромгоҳга «МУТС», «Иқбол», «Анкобуд саноат савдо» МЧЖлари ва хусусий тадбиркор С.Пўлатов томонидан сифатли озиқ-овқат етказиб берилди. Шунингдек, туманимиздаги 4 та коллеж, 1 та мактаб-интернат қошидаги кундузги оромгоҳда 600 та бола соғломлаштирилди.

Айни вақтда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси йўлланмаси билан Поп туманида жойлашган «Офтобча» оромгоҳида туманимиз таълим ходимларининг 20 нафар фарзанди мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

Мирзамаҳмуд ТЎХТАБОЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Уйчи тумани бирлашган қўмитаси раиси

Наманган — гуллар шаҳри

Кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли шаҳримиз тобора чирой очиб бормоқда. Бунда Наманган шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш ДУК ишчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Бугун корхонамизда 1200 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 975 нафар касаба уюшма аъзоси корхона ҳисобидан, 225 таси эса хўжалик ҳисобидаги санитар-тозалов бўлимидан маош олади. Корхонамизда 35 ёшгача бўлганлар ходимларнинг 65 фоизини ташкил қилади.

Жамоа шартномасида ишчилар учун кўплаб имтиёзлар белгиланган. 2009 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Президентимизнинг фармонига асосан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада яхшилаш бўйича корхонамизга қўшимча 145 та ишчи ўрни берилди. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича етарли тушунчага эга бўлиши учун жорий йилнинг 3-9 июн кунлари вилоят мутахассислари иштирокида 7 кунлик ўқув-семинар ўтказилди ва даҳа сардорларига гувоҳномалар топширилди.

Корхонамизда 18 ёшга тўлмаган, ишни таълим билан бирга олиб бораётган ва муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун кафолат ва имтиёзлар жорий этилган.

Биринчи ва иккинчи даражали кўчалар капитал ва жорий таъмирланди. Янги суғориш тармоқлари тортилди. Кўча ва хиёбонлардаги қуриган ва эгри ўсган дарахтлар кесиб ташланди, ўрнига манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди. Шаҳримизни чиқиндидан тозалаш ва санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида қўшимча 7 дона «Isuzu» автомашинаси, 3 та трактор ва 1 та сув сепувчи машина олинди.

Шаҳар бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоялаш марказининг йўлланмаси орқали 2005- 2009-йилларда 2503 киши вақтинчалик иш билан таъминланди.

Таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг Наманган шаҳрини ободонлаштириш бўйича қарори қабул қилингач, шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Ўтган 10 ой ичида Навоий номидаги театр, Хотира ва тинчлик майдонлари, Давлатобод кўчаси ҳамда аэропорт ҳудуди таъмирланиб, ободонлаштирилди.

М. ИБРОҲИМОВ,
Наманган шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш ДУК бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Маънавиятда — миллийлик, спортда — оммавийлик

Ҳисобот даврида жойларда маданий-маърифий ишларни яхшилаш, ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиб беришга касаба уюшмалари катта эътибор қаратди. Ҳужалик органлари билан ҳамкорликда йил давомида кам таъминланган ходимларнинг фарзандларига, муҳтож оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди, турли мавзуларда маданий тадбирлар уюштирилди. Бундан ташқари, меҳнат жамоаларида таниқли олим, санъаткор, шоир ва ёзувчилар ҳамда меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, кўплаб танловлар ўтказиб келинмоқда.

Тармоқлардаги корхона, ташкилот ва таълим муассасаларининг кутубхоналарида ҳар бир йилга бағишланган кўргазмалар ташкил этилган. Шунингдек, талабалар, коллеж ўқувчилари, корхона ва ташкилотлар ходимларининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона ва Марғилон шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Баркамол авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда вилоятдаги 273 та жисмоний тарбия жамиятининг 320 мингдан ортиқ аъзоси бор. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 270 дан ортиқ ёшлар спортнинг 6 тури бўйича шуғулланмоқда. Уларнинг 13 таси спорт устаси, 6 таси спорт усталигига номзод, 20 нафари 1-разрядли спортчи ҳамда 152 нафари оммавий спорт разрядига эга. 13 таси миллий терма жамоа аъзоси ҳисобланади. Спорт мактабларининг тарбияланувчилари турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.



Дарвоқе, ушбу спорт мактабидан 16 нафар Осиё чемпиони етишиб чиқди.

Нодира МАМАЮСУПОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт бўлими мудири

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Абдулҳай ЮНУСОВ ва Акмал ТОШЕВ тайёрлади.

Ishonch
2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815)

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

Миллий авиакомпанияси мустақиллик йилларида



Тенглар ичра муносиб

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий авиакомпанияси рамзи туширилган самолётлар узоқ хориж мамлакатлари ва МДҲнинг 40 дан ортиқ йўналишлари бўйлаб парвоз қилмоқда. Авиайўлларнинг узунлиги ва жиҳозланганлиги бўйича авиакомпания минтақамизда энг улкан компанияга айланди ва яқин хориж мамлакатларининг энг йирик авиакомпаниялари учлигидан ўрин олди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқимиз эришаётган ютуқлар ҳар бир кишида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Рўй бераётган ўзгаришлар авиаходимлар касаба уюшмасига бирлашган корхона ва ташкилотларга ҳам тўлақонли таъсир этмоқда. Бу, айниқса, энг илғор авиатехниканинг муваффақиятли ўзлаштирилиши, республикадаги барча аэропортларни халқаро стандартларга мос равишда қайта қуриш амалга оширилгани, Навоий аэропортида логистика маркази барпо этилиб, авиахизматлар бозорида дунёнинг энг илғор авиакомпаниялари орасида мустаҳкам, муносиб ўрин эгалланганлигида яққол сезилмоқда.

Эришилаётган ютуқларда Авиация ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ҳам алоҳида ўрни бор. Касаба уюшмалари тизимдаги муассаса ва корхоналар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим вазифаларини бажаришга ҳар томонлама кўмаклашиб келмоқда.

МК фаолияти, унинг Раёсати томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисидаги маълумотлар касаба уюшмасининг барча ташкилотларига мунтазам равишда етказиб борилмоқда. Қурултой арафасида жойлардаги ҳисобот-сайлов конференция ва йиғилишларида касаба уюшмасининг иши тўғрисида жиддий ва талабчан сўз юритилиб, уларнинг барчасида уюшма фаолияти қониқарли баҳоланди.

Кейинги йилларда иш берувчилар ва банкларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўламаганликлари учун жавобгарлиги ортди. Жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилиб, иш ҳақи 11 марта оширилди. Буларнинг барчаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясининг кучайишига имкон берди.

Ўтган беш йил ичида касаба уюшма ташкилотлари томонидан жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Жамоа шартномалари тузилаётган юридик шахслар сони ортди ва уларнинг сифати яхшиланди. Жамоа шартномаси асосида ҳар бир ходимга сарфланган харажатлар 2005 йилдан 2009 йилгача деярли 1,5 баробарга кўпайди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар бўш вақтларининг мазмунли ўтказилиши, дам олиш масканларида маркали ҳордиқ чиқарилишига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 1684 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзолари сиҳатгоҳ ва дам олиш масканларида ўз саломатликларини тикладилар.

Касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан ойлавий йўлланмалар бўйича 12000 нафардан ортиқ киши ҳордиқ чиқарганлиги ҳам таҳсинга лойиқ ишлардан бўлди. Беш йил мобайнида касаба уюшмаси бадаллари ҳисобига сузиш ҳавзаларига 69 миллион 236 минг 305 сўмлик йўлланмалар харид қилинди.

Болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида 8 минг нафарга яқин ўғил-қизлар дам олдирилди. Бунга касаба уюшмаси бюджетидан 286 миллион сўм, ижтимоий суғурта бюджетидан 69 миллион 911 минг сўм ва иш берувчилар бюджетидан 500 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий тадбирлар режасига мувофиқ 150 дан ортиқ спорт тадбирлари ўтказилди.

Ўтган даврда Марказий кенгаш томонидан маъмуриятлар ва касаба уюшма қўмиталари билан биргаликда маънавий-маърифий ва оммавий тадбирлар ўтказиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди.

Барча ташкилотларда «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари мавжуд. Айрим корхоналар ўз кутубхонасига эга. Марказий кенгаш ва унинг тизимидаги касаба уюшма ташкилотлари маъмуриятлар билан биргаликда авиаходимларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантириш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ёш авлодда кексаларга нисбатан ҳурматни тарбиялашга оид тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқда.

Авиаходимлар касаба уюшмаси томонидан маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишларига 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани эътиборга лойиқдир.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, Авиаходимлар касаба уюшмаси Миллий авиакомпания, Дававианазорат, Гидрометеорология коллежи, Ўзгидромет, «Ватанпарвар» МКЖнинг 2 ташкилоти, 5-сонли Академик лицей, «Ан Рад-Аэро» МЧЖ ва МАК Самарқанд, Тошкент аэропортлари, «UAT» АК, УМ бошланғич касаба уюшма қўмиталари таркибига кирувчи бир қатор корхоналарни бирлаштиради. Касаба уюшмаси таркибида 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра, 21 489 нафар аъзодан иборат 26 та бошланғич ташкилот мавжуд.

Амалдаги Уставга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қарор қилинди. Дастур ва Уставга қўшимчалар лойиҳаси устида ишлаш учун Раёсат қарори билан комиссия тузилди ва у таклиф этган ҳужжатлар кўриб чиқилиб, Раёсат ва касаба уюшмаси МКнинг VI Пленуми томонидан маъқулланди.

Касаба уюшмаси учун муҳим бўлган бу икки ҳужжатни Қурултойга киритишда иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Ўз мухбиримиз

Сўз — қурултой делегатларига

Бизга ишонишади

Файласуф Платоннинг: «Бошқаларга бахт улашгин, ўша орқали ўзингникини ҳам топасан» деган ҳикматини тез-тез эслаб тураман. Ўйлайманки, бу мақол ҳар бир касаба уюшма етакчиси учун алоҳида маъно касб этади. Биз инсонлар билан ишлаймиз, уларнинг ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз, муаммоларининг одилона ҳал этилишига ёрдамлашамиз, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз.

Сафларимиз янги аъзолар ҳисобига тўлиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Шу йилнинг ўзида «Самарқанд ҳаво йўллари» қўшма корхонасининг 30 нафар ишчи-хизматчиси шундай истак билдирди. 30 киши, шунча тақдир, ҳар бирининг ўзига хос муаммолари бор.

Ташкилотимизда 3398 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг орасида пенсионерлар ҳам бор. Улар ҳам ишлаб чиқаришдагилар каби турли имтиёзлардан фойдаланишаяпти.

Кейинги беш йилликда аъзоларимиз билан ишлашни кучайтиришга ҳаракат қилдик. Турли спартакиадалар, мусобақалар, танловлар ўтказдик. Ишчи-хизматчиларнинг концерт, театрларга боришларини уюштираяпмиз. Шуниси қувончлики, меҳнаткашлар ўзлари ишлаётган жамоанинг суянчиқ эканлигини англаб етишмоқда.

Ишни тўғри ташкил этишга кўп нарса боғлиқ. Шунинг учун маъмурият билан касабақўмнинг қўшма мажлисларини тез-тез ўтказаяпмиз. Бу эса турли масалаларнинг ўз вақтида ҳамда изчил ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муаммолари ечимини топган ишчи-хизматчилар бизга ишонишаяпти. Касаба уюшма қўмитаси учун бу ниҳоятда муҳим.

Лариса СКОПКИНА,
«VAT» авиакорхонаси бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси

Келажагимиз

Корхонамизда ишлаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Бу ўз-ўзидан касаба уюшма ташкилоти устоз-шогирдлик анъанасига биноан, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратишини тақозо этади. Шу боисдан ҳам биз турли танловлар, фахрийлар билан учрашувлар ўтказишга катта аҳамият бераяпмиз. Бу эса уларнинг дунёқарашини кенгайтириб, ўз навбатида тарихимизга, санъатимизга ҳамда миллий қадриятларимизга бўлган қизиқишларини орттирмоқда.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари асосида давра суҳбати ўтказдик. У ёшларда ниҳоятда катта таассурот қолдирди.

Шуни эътиборга олиб, ўтказилаётган ҳар бир тадбирни ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда уюштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Тажрибалар шуни тасдиқламоқдаки, музей ҳамда театрларга оммавий равишда боришнинг ҳам тарбиявий аҳамияти катта экан.

Шунингдек, ёшлар турмуш қуришаётганда моддий ёрдам олишмоқда. Кўп боласи бор оилаларнинг фарзандларига имтиёзли йўлланмалар тарқатилмоқда.

Яхши тушунамизки бу ишлар, аввалambor, корхонамизнинг келажаги учун зарур. Чунки кекса авлод анъаналарига содиқ ёшларгина муносиб ўринбосар бўлиши мумкин.

Шаҳзода АШУРОВА,
«Кетринг» шўъба корхонасининг касаба уюшма қўмитаси раиси

Меҳнат муҳофазаси

Тизимимиздаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши — меҳнат муҳофазаси, саломатлик ва атроф-муҳит соҳасида арзигулик ишлар амалга оширилди.

Фаолиятимизнинг муҳим бўғини

Ушбу йўналишда биз 10 йилдан ортиқ вақт давомида «Касаба уюшмаси қанчалик кучли бўлса — иш ўринларини шунчалик хавфсиз» шиори остида ишлаб келмоқдамиз.

Шу боисдан ташкилотимиз бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли муҳофазасини таъминловчи ҳуқуқий базани яратишга доимо кўмаклашиб келмоқда.

Авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 2008 йил 25 апрелдаги Пленумида «Меҳнат муҳофазасининг ҳолати устидан назорат буйича касаба уюшма қўмиталарининг вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилинган эди. Касаба уюшма қўмиталари ушбу қарорни ўзларининг кенгайтирилган мажлисларида кўриб чиқди ва маъмурият билан биргаликда уларни бажариш бўйича режа тузиб олди.

Ўтган давр мобайнида 100 дан ортиқ турли текширишлар ўтказилди. 1218 та турли қоида бузилишлар аниқланиб, уларнинг кўпчилиги бартараф этилди.

Касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 10 йилдан буён йил якунлари бўйича «Ўзбекистон авиаходимларининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакили» унвони учун танловлар ўтказиб келинмоқда. 170 нафардан ортиқ вакил ушбу танловда иштирок этди. Ҳар йили танлов ғолиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда. Бизнинг меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларимиз ҳисобот даврида икки марта энг яхши вакил деб топилди. Бу йил бухоролик Л.Жуйков республика бўйича биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ҳисобот даврида 153 та жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилиб, рўйхатга олинди.

Корхона ва ташкилотларнинг кўпчилигида маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорлиги натижасида хавфсизликни таъминлаш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқаришда самарадорликка эришилмоқда.

Леонид ГЛУШКО,
Марказий кенгашнинг бош мутахассиси

2010 йил — Баркамол авлод йили

«Камолот» анжумани

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтган корхона, ташкилот ва муассасалар ёшларининг республика анжуманида Миллий авиакомпания тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 130 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди.

Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, Навоий конметаллургия комбинати бош директори Қувондиқ Санақулов ва бошқалар мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидорини намоён этиши, ўқиб-изланиши, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши учун етарли шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Тадбирда Миллий авиакомпания «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Сардор Ирмуҳамедов ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

— Биз «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти Низомидан тортиб, ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари, тизими, етакчи мақоми, ишни ташкил этиш ва юритиш усуллари, қисқаси, ёшлар ташкилотининг барча қирраларини атрофлича муҳокама этдик, — деди Сардор Ирмуҳамедов. — Шу билан бирга, ташкилот тизимида фаолият юритадиган ҳар бир ходим том маънода етакчи бўлиши ва ёшларимизни комиллик сари етаклаши лозимлиги борасида ҳам фикр алмашилди. Шахсан мен ўзаро мулоқот натижасида ёшларнинг бугунги ўй-фикрлари, айрим муаммолари ҳақида янгидан- янги маълумотларга эга бўлдим.

Тадбир давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари эълон қилинди. Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти республика миқёсида рағбатлантирувчи, Тошкент шаҳри бўйича эса биринчи ўринни қўлга киритиб, махсус диплом ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг эсдалик совғаси билан мукофотланди.

Ўз мухбиримиз



Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Неъмат РАФИҚОВ ва Шерзод АБДУСАМАДОВ тайёрлади.

Ishonch
2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815)

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кафтдаги сурат

Қишнинг охирлари эди. Ташқари анча совуқ бўлсада, онам хона эшигини очиб кўярди. «Нега бундай қиласиз, шамоллаб қолманг», — дердим.

— Ёруғлик ҳам ғанимат, болам, — дерди онам. — Ҳадемай кўклам келади. Қалдирғочлар маконини тополмай юрмасин.

Кўп ўтмай кунлар исиб кетди, дов-дарахтлар куртак чиқарди, баҳор ёмғирлари ёғди. Одамлар дарвешона, наврўзга ҳозирлик кўра бошлашди.

Мактабдан қайтаётиб, онамни кўргани бурилдим. Ҳовлида ўйнаб юрган набирам ёнимга чопиб келди:

— Бова, толдирғоч келди, толдирғоч, — деб мени онам турган хонага бошлади. Не кўз билан кўрайки, тўшакда ётадиган онам ўтириб олиб, шифтдаги электр симига қўниб турган бир жуфт қалдирғоч билан суҳбат қурарди:

— Келдингларми, Бибифотиманинг қушлари, эгачиларим, қавм-қариндошлар, хешу ақраболар эсон-омонми, тов-тошлардан, ёвонлару сувлиқлардан учиб ўтиб келдингларми? Чуғурлаган тилларингдан айланай. Эна тупроқни соғиниб келибсизлар-да...

Қалдирғочлар полапонларини учирма қилаётган кезлари онам вафот этди.

Ёстиғининг тагидан бир тугун чиқди. Очдим, Жонбўзсойнинг қадрдон, ёпишқоқ тупроғи ҳиди димоғимга урилди.

II

— Яқинда ўттиз йилдан бери кўрмаган болалик дўстимни учратдим, — деди Парда бобо хўрсиниб. — Бечора қариб-букчайиб қолибди, ёши ҳам етмишдан ошди-да. Йигитлигида ўгай онаси билан чиқишолмасдан аразлаб, Русияга кетиб қолганди. Ўша тарафларда уйланиб, ўғил-қизли бўпти. Йиллар ўтиб, ўғли бошқа шаҳарга ишга кетибди, қизи ҳам ўқишда украин йигит билан топишиб, Днепр бўйида қолибди. Хотини иккаласи ёлғиз қолгач, қишлоққа кўчишибди. Сигири, товуқ-ғозлари бормиш. Яшаши ёмон эмас экан-у, бегоналигим билинади дейди бечора. Тилимни унутмайин деб, тунлари ўзи билан ўзи гаплашиб чиқаркан. Куним битиб ўлсам, жанозамни ўқийдиган одам йўқ деб роса ўкинди.

— Қишлоғи ўрмон ёқасида эмиш, — дея гапида давом этади Парда бобо бир хўрсиниб. — Қушлар кўп дейди, лайлаклар, турналардан юртимизга салом йўллармиш. Кетишига бир неча кун қолганда иккаламиз қабристонга бордик. Унинг кўзларидан оқаётган ёшни кўриб, юрак-бағрим эзилиб кетди. Чидаб туролмадим, менам қўшилиб йиғладим.

Қайтаётиб дастрўмолига бир сиқим тупроқ тугиб чўнтагига солди:

— Таняга бераман, ўлсам, мозоримга сочади...

III

Муборак ҳаж сафаридан қайтган тоғам бир куни айтиб қолди:

— Ўзимизнинг элдан айирмасин экан. Кўрдим жаннат деб аталган гўшаларни. Қип-қизил тош, қум, бархан экан. На дов-дарахт, на гиёҳ бор. Одамлари турли даражада яшаса ҳам негадир бир-бирларига ётсираб қарашаркан. Биздагидек меҳр-оқибат йўқ экан, жиян.

Борган кунимиз бир йигит ёнимга келиб саломлашди. Асли аждодлари туркистонлик экан. Тилини унутмабди. Кўзидаги мунг, дардни кўриб, кўнглим бузилди.

— Юртдош, мабодо сизда ватан тупроғи топиладими? — деб сўради.

— Бор, — дедим ва халтачада олиб борган тупроқни кўрсатдим.

— Агар имкони бўлса, бир сиқим берсангиз, қанча сўрасангиз бераман, — деди шошиб.

— Юрт тупроғи сотилмайди, — дедим ва бир сиқим тупроқ бердим.

Тупроқни кафтига оҳистагина олар экан, бечора худди хазина топгандек қувониб кетди. Қайтар кунимиз ўша йигит яна мени излаб топди:

— Раҳмат, ватандош, мени оғир мушкулотдан халос этдингиз. Ёши тўқсондан ошган бобом бор. Анчадан буён хаста эди. Бир куни ёнига чақириб, «юртимнинг тупроғидан топиб келмасанг, сендан рози эмасман» деб айтди. Ўша сиз иньом қилган тупроқни олиб бордим. Бечора бобом уни кўзига суртди, ўпди, сўнгра... кўксига босиб, тинчгина жон берди.

Мен йигитнинг сўзларини тинглаб, юзимга фотиҳа тортдим ва ҳеч кимни она тупроққа зор этмасин деб илтижо қилдим.

Ўролбой ҚОБИЛ
Қамаши тумани
Гулистон қишлоғи

Университетимизда спорт билан шуғулланиб, элга танилган ёшлар оз эмас. Улар ўртасида жисмоний тарбия ва маданият факултети талабаси Юлдуз Суфидинованинг ўрни бўлакча. Тенгдошлари унга ҳавас қилишади, биз эса фахрланамиз.

Юлдуз билан фахрланамиз

Шофиркон туманида туғилиб, тақдир тақозоси билан Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйида тарбияланган Юлдуз барча фанларни пухта ўзлаштириш билан бирга, спортга ҳавас қўяди. 5-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ спорт мактабига қатнаб, устози Салоҳиддин Қодировдан эркин кураш сирларини ўрганади. Дастлаб вилоят, кейинчалик республика биринчилигида қатнашиб, ғолибликка эришди ва спорт устаси деган номга сазовор бўлди.

Бундан уч йил илгари унда оғир атлетика билан шуғулланиш иштиёқи туғилганда, Бухоро шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мураббийи Абдулла Раҳматовга мурожаат қилди. Гарчи қизларга хос бўлмаса-да, ушбу спорт тури билан жиддий шуғулланишга киришди. Мураббий кўрсатмалари унинг орзуларига қанот бўлди. Тинимсиз машқлар, ўз устида ишлаш бесамар кетмади. Фарғонада ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида кумуш медалга сазовор бўлиб, терма жамоа мураббийлари эътиборини тортди.

2009 йил Юлдуз Суфидинова ҳаётида ўчмас из қолдирди. У Тошкентда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида 63 килограмм вазн тоифасида муваффақиятли қатнашиб, чемпион бўлди. Даст кўтаришда 70 килограмм, силтаб кўтаришда 85 килограмм натижа кўрсатиб, олтин медал билан Бухорога қайтди.

— Орзуларим бисёр, — дейди Юлдуз. — 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларига қатнашиш ниятим бор. Бунинг учун маҳоратимни янада ошириш зарурлигини яхши биламан.

Дарҳақиқат, университетимизда Юлдуз сингари мамлакат спорти ривожига ҳисса қўшаётган ёшлар сафи тобора кўпаймоқда. Масалан, боксчи Аббос Атоев, дзюдочилар Ришод Собиров ва Фарҳод Исаевлар, таэквондочи Лайло Шарипова, курашчи Ширин Шарипов сингари ёшларимиз халқаро мусобақаларда, олимпиада, жаҳон биринчиликларида муваффақият қозониб келмоқда. Бугунги кунда университетимизда 10 та спорт-соғломлаштириш тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1236 нафар талаба қатнашаяпти.

Касаба уюшма қўмитамиз талабаларнинг жисмонан чиниқиши, фанларни пухта ўзлаштириши учун ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бўлажак мусобақаларда иштирок этадиган талабаларга етарли шарт-шароит яратилиб, университет ҳузуридаги санаторий-профилакторийга бепул йўлланмалар ажратилди.

Тўлқин ЭРГАШЕВ,
Бухоро давлат университети талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлатимиз рамзлари бўлмиш герб, мадҳия, байроқ — давлатимизнинг тузумини, иқтисодий асосларини ва халқимизнинг миллий табиати, қадрияти ҳамда орзуларини мужассамлаштирувчи белгилардир.

Давлат герби ёшлар нигоҳида

2 июл куни Ўзбекистон герби тасдиқланганига 18 йил тўлди. У қалбида ватан туйғуси жўшган ҳар қандай кишига ғурур бағишлайди. Бугун Ўзбекистонни жаҳоннинг турли бурчакларида гербига қараб ҳам танишади. Давлат гербида ранг-баранг дунёнинг рангин жилосини кўриб, ёшликка хос жўшқинлик ва беғуборликни илғашимиз мумкин. Тасвирдаги пурвиқор тоғлар ва серқуёш замин ва нур сочаётган қуёш жаннатмакон юртимизнинг бепоёнлигини англатади. Гербимиздаги парвозга шайланаётган Ҳумо қуши мустақил ҳаётга талпинаётган ёш авлод тимсолидир. Герб тепасидаги сакkиз қиррали юлдуз эса ўзбек ёшларининг бирдамлиги белгиси дейиш мумкин.

Давлат гербидаги буғдой бошоқлари ва очилиб турган пахта чаноқлари юртимиз одамларининг пок орзулари, эзгу ниятларига қиёс қилинади. Миллий бойликлар замиридаги рамзий маъноларни кўра билиш маънавий етукликни англатади.

Манзура АБЖАЛОВА,
ЎзМУ магистранти

Ишонч

Шароф Расулов йигирма йилдан буён Қарши шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматида касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

— У киши ходимлар жонкуяри, — дейди хотин-қизлар қўмитаси раиси Санам Шарипова. — Ходимларнинг яхши ва ёмон кунларида доим ёнида. Фарзандларимизнинг оромгоҳларда дам олиши билан боғлиқ барча масалаларда камарбаста.

Жамоа шартномаларининг ижроси йўлидаги саъй-ҳаракатлар ходимларнинг касаба уюшмасига бўлган ишончни оширмоқда. Ҳафтада икки марта «Насаф» спорт-соғломлаштириш мажмуасида машғулотларда қатнашиш эндиликда оддий ҳаёт тарзига айланган. Мини футбол жамоамиз тармоқ мусобақаларида яхши натижаларга эришган.

— Ишончни оқлашнинг масъулияти юқори, — дейди Ш.Расулов.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кишлоқларда йирик фермерлар, ишбилармон, тадбиркор инсонлар саъй-ҳаракати билан кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Боёвут туманидаги Садриддин Айний номли маҳаллада яшовчи Аваз Жўраев томонидан «Авазбек, Азизбек, Асадбек» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик

Тадбиркор ушбу хайрли мақсадлар учун «Қишлоққурилиш», «Саноат қурилиш» банклари вилоят бўлимларидан 100 миллион сўм кредит олди. Дастлаб қишлоқ марказида корхонанинг чиройли биноси бунёд этилди. Сўнгра колбаса ва колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ўрнатилди. Бу юмушларда Гулистон шаҳридаги «Макровит» хусусий корхонаси раҳбари Виктор Ўрбонович қишлоқ тадбиркорларига яқиндан ёрдам берди. Корхона ишга тушиши билан қишлоқнинг 20 нафар ёшлари доимий иш билан таъминланди. Жамоада айни кунларда 9 хилдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар куни 250-300 килограмм сифатли маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Корхонада тайёрланаётган «Докторская», «Саратовская», «Шаршара» каби колбасалар аллақачон ўз харидорларини топган.

Гўшт маҳсулотлари ҳам ҳудуддаги фермер хўжаликларидан келтирилади. Энг соғлом моллар саралаб олинади.

Тадбиркор хайрли ишлари билан кифояланиб қолмай, нон ишлаб чиқариш цехини ҳам ташкил этди. Бу билан у яна 10 та қўшимча иш ўрни яратди. Цехда бир кеча-кундузда 300 дона қолипли, 300 дона обинон пиширилмоқда. Зулхумор Фармонова, Сайёра Омонбоева, Наргиза Жўраева, Шоҳида Асророва каби новвойлар пиширган бўрсилдоқ нонлар барчага манзур бўлаяпти.

Қишлоқ тадбиркорининг келажакдаги режалари янада улкан. У макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва терини қайта ишлаш ҳаракатида юрибди. Бу хайрли ишлар амалга ошса, яна 3 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланади.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Абдуолим Чоршанбиев фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки пайтлардаёқ ер олиб ишлашга талабгор бўлди. Меҳнат, сабр-қаноат орқали қийинчиликларни енгиб ўтди. Йил сайин экин майдонлари кенгайди, хўжалиги бойиди, янги техникалар харид қилинди. Эндиликда у раҳбарлик қилаётган «Эргаш бобо» фермер хўжалиги иш тажрибаси кўплар учун ибрат.

Абдуолимнинг пуркагич мосламалари

Жорий йил ҳар қути ипак қуртидан 65 килограмдан ҳосил етиштириб, қабул пунктларига 1700 килограмм сифатли «кумуш тола» топширилди. Жами 18 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон саранжомланди. Тайёрлов идораларига 1,8 тонна ғалла топширилиб, шартнома режаси уддаланди. Фермер хўжалиги аъзоларига 64 тонна буғдой бўлиб берилди. Механизатор Бахтиёр Эргашев, иш юритувчи Абдусамад Чоршанбиев, сувчилар Отабек Абраев, Санжар Алихонов, Абдужаббор Худойқуловларга 1,5-2 тоннадан ғалла тегди. Ҳосил мўл бўлганлиги боис хўжалик раҳбари кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрийларга ҳам 250-300 килограммдан буғдой улашди.

— Далаларига ўтган йилнинг кузида буғдойнинг сурхондарёликлар учун янги ҳисобланган, агротехникаси нотаниш «Селянка» нави уруғини эккан деҳқонларнинг кўпчилиги бугун, яъни ғалвир сувдан кўтарилаётган паллада мўлжалдаги ҳосил олинмагани учун бор айбни навнинг пастлигига ағдаришмоқда, — дейди А.Чоршанбиев. — Ҳолбуки навда айб йўқ, айб уларнинг ўзида. Масалан, шу навдан фойдаланган бизнинг деҳқонлар ҳар гектар ғаллазордан 70 центнердан дон йиғишди. Бундай муваффақиятга аъзоларимиз ўсимлик парваришини намунали ташкил этгани, вегетация даврида ғаллазор икки марта суспензия қилингани, суғориш даврида кўпроқ шарбат суви оқизилгани, маъданли ўғитлар далага белгиланган меъёрда солингани эвазига эришилди.

Пахтачиликда ҳам тажрибамиз ёмонмас. Ҳар мавсум режа бажарилаётир. 2009 йили 122 тонна ёки режада белгиланганидан 40 тонна кўп «оқ олтин» етиштирдик. Аҳил жамоамиз бу йил 40,1 гектар майдонга ўрта толали ғўзанинг «Бухоро-102» нави уруғини қадаб, мўл ҳосил етиштириш ниятида эрта баҳордан бери бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда. 27 нафар аъзонинг ҳаракати боис ғўзалар кунда бир яшнамоқда. Ўз вақтида озиқлантирилаётгани ва қатор орасига тез-тез культивация ўтказилаётгани сабаб ўсимлик шоналаб, ёппасига гуллаган. Чигит барвақт экилган майдонлардаги ғўзаларда уч-тўртта кўсак пайдо бўлган.

Фермер хўжалигига қарашли пахтазорни айландик. Ер кўпчиб турибди, оёқ боссангиз, тупроққа ботасиз. Ғўзалар бўйи белга етган, лекин бирор зараркунанда таъсири сезилмайди, бегона ўт кўрмайсиз.

— Ажабланаётганингизни сезиб турибман, — деди фермер хўжалиги бошлиғи. — Биз ўғитни фақат қатор орасига бериш билан чегараланиб қолаётганимиз йўқ, тез-тез культивация ўтказиш билан бирга суспензия, яъни ғўзани баргидан озиқлантиришга ҳам эътибор қаратяпмиз. Суспензия ҳам ғўза амалини кучайтиради, ҳам шира, трипс, ўргимчак канага қирғин келтиради. Энг муҳими, суспензиянинг олтинкўз, трихограмма сингари фойдали ҳашоратларга сира салбий таъсири йўқ.

Абдуолимни чинакам янгиликка ўч деҳқон дейиш мумкин. Унинг қизиқувчанлиги, топқирлиги сабаб ҳажми 100 миллиметрли темир қувурдан 90 литр суюқлик сиғадиган идиш-бочка тайёрланиб, культиватор рамасига ўрнатилди. Бочкадаги суюқликни ҳаво босими билан ҳайдаш учун трактор-нинг компрессорига шланг уланди. Культиватор кенглигидаги қувур-бочкадан тўрт эгатдаги ғўзанинг устига суюқлик пуркалиши учун найчалар жойлаштирилди. Қарабсизки, трактор культивация қилиб кетаверади, культиватор рамасига маҳкамланган қувур-бочкадаги штангали пуркагич мосламалардан тушаётган суюқлик ғўзани баргидан озиқлантириб бораверади. 15 килограмм карбомид, шунча суперфосфат ва 7 килограмм олтингугурт аралашмасию қайнатмаси 300 литр сувга қўшилади. Қувур-бочка бир тўлдирилганда, 1 гектар майдондаги ғўзани суспензия қилиш мумкин.

— Фермерлик пухта режа, қатъий ҳисоб-китобни хуш кўради. Тадбиркор бўлмасанг, ҳар сўмнинг ҳисоб-китобини қилиб бормасанг, хўжаликка зарар. Хўжалик юритишда нўноқлик иқтисодий аҳволни оғирлаштириб қўйиши мумкин, — дейди у. — Ўтган йили пахтачиликдан 52 миллион сўм даромад қилгандик. Ўсимликларни ҳимоя қилиш туман ташкилоти техникалари билан ғўзамизни 2 марта суспензия қилгани учун уч миллион 600 минг сўм маблағимизга шерик бўлганди. Шунинг учун изландик, ўргандик, янгилик яратдик. Ўйлаб-ўйлаб штангали пуркагични ихтиро қилиб, культиватор рамасига ўрнатдик. Ҳозир трактоpимиз культивация қилиш баробарида бир йўла ғўзани баргидан озиқлантираверади. Бу ҳар томонлама тежамли. Бугунгача 4 марта суспензия ўтказган бўлсак, жами харажат 400-450 минг сўмдан ошгани йўқ.

«Эргаш бобо» фермер хўжалигида ихтиро қилинган ва ишлаб чиқаришда фойдаланаётган оддийгина штангали пуркагич мосламаси Шўрчида кўпларни қизиқтириб қўйди. Ҳозирда тумандаги «Ободон», А.Сафаров, Усмон Дониёров номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмалари таркибидаги кўпгина фермерлик жамоаларида шундай мослама тайёрлаб, ғўзани баргидан озиқлантириш оммавийлашиб бораётир.

Яна бир гап, «Эргаш бобо» фермер хўжалиги раҳбари сахийлик бобида ҳам обрў қозонган. Хўжалик меҳнаткашлари топаётган даромадларининг бир қисмини қишлоқни ободонлаштиришга, аҳоли турмушини фаровонлаштиришга сарфлаётир. Бултур кам таъминланган оилага бир бош қорамол ҳадя қилинди. 1,7 километр узунликдаги қишлоқ кўчасига тош ётқизилди. «Дўстлик» маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ниятида 12,8 млн. сўм сарфланиб артезиан қудуғи қазилди. Ўтган йили айни қиш кунлари маҳалладаги хонадонларни электр энергияси билан таъминлаб турган трансформатор кучланиш туфайли ишдан чиқди. Одамлар туман электр таъминоти корхонасига мурожаат қилишганида, у ердагилар янги трансформатор ўрнатиш учун 5800 минг сўм маблағ зарурлигини айтишибди. Қишлоқ оқсоқоллари Абдуолимдан ёрдам сўрашди. Масала ижобий ҳал қилинди. Бундан ташқари, аъзолар учун дала шийпони барпо этилди. Унинг ёнбошида бостирмалар қурилиб, 100 та товуқ, икки бош қорамол парваришланаяпти. Сут, қатиқ, тухум, помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар ўзларидан чиқмоқда.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Электр энергияси ва истеъмолчи

Электр тармоқлари корхонаси ходими келиб, Вазирлар Маҳкамасининг 511, 512 ва 245-қарорлари талаби бузилган деб далолатнома тузиб кетди. Қандай қоидани бузганимизни тайинли тушунтирмай, юристга учрашасиз дейишди. Ушбу қарорлар ҳақида тушунча берсангиз.

С.САЛИМОВА,
Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган 511-қарори «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» деб номланади.

Мазкур қарорга Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 феврал ва 7 апрелдаги қарорларига мувофиқ ўзгартишлар киритилган.

Ушбу қарорнинг асосан фуқароларга тааллуқли жиҳатларига бироз тўхталамиз.

Уй-жойлар ҳамда тураржой ва тураржой бўлмаган фонд хоналарининг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш фақат энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун қарзлар тўлиқ тўланган тақдирда амалга оширилади.

Қарзи бўлган истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб туриш бўйича талабларга риоя этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик ҳудудий электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида низом тасдиқланган ва у 2005 йил 1 январдан кучга кирган.

Аҳоли истеъмол қилган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловни ўз танловига кўра, чекланмаган ҳолда тижорат банклари, тўловларни қабул қилиш кассалари, ташкилотлари ва пунктларида амалга оширадилар.

Аҳолига мумкин қадар қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларига тўловларни қабул қилиш бўйича минибанклар ва тижорат банклари филиалларининг махсус кассаларини очиш ва уларнинг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш тавсия этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-қарори «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» деб аталади. Мазкур қарор энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан етказиб берилаётган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар истеъмол қилаётган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш, берилган электр энергияси учун тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-қарори билан «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» тасдиқланган. Унга кўра, эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан ва тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин уй-жойларнинг электр ускуналари ва электр тармоқларини эксплуатация қилиш учун ижозат берилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси тураржой ва нотураржой фонди биноларининг эгалари билан электр энергияси учун ҳисоб-китобларни, тураржой ва нотураржой биноларини ижарачиларга (юридик шахс бўлган ижарачилар бундан мустасно) ёки ёлловчиларга топширишидан қатъи назар, умумий ҳисобга олиш прибори бўйича амалга оширади.

Аҳоли хонадонларида, ёрдамчи хўжаликлар, шахсий фойдаланиладиган томорқада маиший эҳтиёжлар учун фойдаланилган электр энергияси учун, турмушда қўлланадиган ток қабул қилгичларнинг қуввати ва вазифасидан ҳамда ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойдан қатъи назар, аҳоли учун белгиланган ягона бир ставкали тариф бўйича ҳақ тўлайдилар.

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган маиший истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш шартнома асосида ва олдиндан тўланган тўлов миқёсида амалга оширилади.

Маиший истеъмолчилардан электр энергияси учун белгиланган тариф қийматидан ортиқча бирор-бир қўшимча маблағ ундириш тақиқланади.

Ҳисобга олиш прибори уйжой ёки хонадон эгасининг буюртмасига биноан бир ҳафта муддатда, унинг иштирокида ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан ўрнатилади.

Маиший истеъмолчиларда мавжуд бўлган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш ҳамда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини электрон ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш (янгидан уланадиган истеъмолчилардагидан ташқари) ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборига эга бўлмаган ва бирор-бир сабабга кўра, мазкур тураржойда вақтинча яшамаётган маиший истеъмолчи ҳудудий электр тармоқлари корхонасини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳар бир маиший истеъмолчи билан электр таъминоти шартномасини тузади ва унга белгиланган намунадаги ҳисоб-китоб дафтарчасини беради, у бўйича электр энергияси учун ҳақ тўланади. Ҳисоб-китоб дафтарчасининг ҳар бир варағи квитанция ва билдиришномадан иборат бўлиб, уларда маиший истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақами муҳр билан туширилган бўлиши керак.

Тўлов ҳужжатининг ҳар иккала қисми (билдиришнома ва квитанция) бир хилда, аниқ, ўчириб ёзишларсиз тўлдирилиши керак. Тўлов ҳужжатларида фамилия, манзил, тўловнинг жорий ва олдинги санаси ҳамда ҳисобга олиш приборининг уларга мувофиқ бўлган кўрсаткичлари, кўрсаткичлар тафовути ва тўлов суммаси кўрсатилиши лозим.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ёки олдинги давр учун амалдаги электр энергияси истеъмолининг ҳажми тўғрисидаги маълумотларга асосан тўлов счётини ёзиш ҳуқуқига эгадир, маиший истеъмолчининг ҳисоб рақамида бу ҳақда тегишли равишда қайд қилинади. Бунда ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичлар ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Маиший истеъмолчи томонидан ҳисоб-китоб даврида амалда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори истеъмолчилардаги ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва тўлов ҳужжатларини амалдаги тариф бўйича ёзиб бериш ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили ёки истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Агар тўлов ҳужжати (билдиришнома) ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили томонидан тўлдирилса, у маиший истеъмолчига топширилади, у бўлмаган тақдирда эса — у билан бирга бир хонадонда (хусусий уйда) яшовчи вояга етган исталган шахсга топширилади ёки билдиришнома билан бирга буюртма хат орқали жўнатилади.

Агар навбатдаги айланиб чиқишда ҳисобга олиш прибори ўрнатилган хона ёпиқ бўлса, ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили тўлов ҳужжатини олдинги давр учун амалда истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми тўғрисидаги маълумотлар асосида ёзади, бу ҳақда маиший истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида тегишли белги қайд этилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили, у тегишли амал қилиш муддати кўрсатилган, исм-фамилияси ёзилган гувоҳномага эга бўлган тақдирда, хонадондаги ҳисобга олиш приборларини соат 8.00 дан бошлаб 20.00 гача тўсқинликсиз текшириб кўриш ҳуқуқига эгадир.

Электр энергияси учун ҳақ тўлаш маиший истеъмолчи томонидан аҳолидан тўловларни қабул қилувчи пунктлар ва ташкилотлар орқали ҳар ойнинг 10-кунигача амалга оширилади.

Электр энергияси учун олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга бўлган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган маиший истеъмолчилар электр энергияси учун ҳақ тўлашни олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширадилар.

Банк ҳужжатида кўрсатилган сана тўлов амалга оширилган вақт деб ҳисобланади.

Маиший истеъмолчилар тўлов бўйича қарздор бўлганда, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Тариф ўзгарганда тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади.

Маиший истеъмолчи, ўз хоҳишига кўра, 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун электр энергиясидан фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ўзгарса ҳам қиймат қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Маиший истеъмолчида амалдаги электр энергияси истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадида ҳисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилгани, унинг (истеъмолчи) айби билан бузилгани ёки йўқлиги, пломбалар кўчирилгани, электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборидан ташқари уланган ва бошқа қоида бузилишлари аниқланган тақдирда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси охирги текшириш кунидан бошлаб ўтган (лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган) давр учун маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Электр энергиясидан фойдаланишда истеъмолчи томонидан йўл қўйилган қоидабузишлар ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакиллари ва маиший истеъмолчи томонидан имзоланган икки нусхадаги қўшма далолатнома билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси маиший истеъмолчига берилади ва айни бир вақтда ушбу қоидаларни бузган истеъмолчининг электр қурилмалари тармоқдан узиб қўйилади.

Маиший истеъмолчи ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг қарори юзасидан норозилик аризаси бериш ҳуқуқига эга, бироқ бу истеъмолчини қоида бузиш далолатномаси бўйича ёзилган қўшимча тўлов ҳужжатидаги суммани белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

Қўшимча тўлов ҳужжати бўйича ҳақ 10 кун муддатда тўланмаганда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маиший истеъмолчидан кўрсатилган суммани мажбурий тартибда ундириш тўғрисида судга даъво аризаси беради.

Сиз ушбу ҳужжатларнинг бирон-бир талабини бузган бўлишингиз мумкин.

Сўраган эдингиз...

Ходимнинг ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги ёки меҳнат вазифасини мунтазам бузиш деганда нима тушунилади?

Ғ.Зокиров
Бухоро шаҳри

Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг қуйидаги рўйхати келтирилган:

ички меҳнат тартиби қоидалари;

корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланадиган интизом ҳақидаги низомлар.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эга эканлиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида, одатда, ходимнинг мажбуриятлари белгиланган бўлади. Булар:

— ўзининг хизмат вазифасини виждонан бажариш;

— меҳнат интизомига риоя қилиш;

— иш берувчининг қонунга мувофиқ келадиган фармойиш ва кўрсатмаларини аниқ ва ўз вақтида бажариш;

— меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;

— корхонанинг мол-мулкига авайлаб муносабатда бўлиш;

— меҳнат жамоасининг аъзолари, корхона мижозлари ва иш жараёнида алоқа қиладиган бошқа шахслар билан хушфеъл муносабатда бўлиш.

Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 3-бандига кўра, аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходимнинг такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат қилиши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади.

Касабақўм ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида иш берувчига оғзаки розилик бериши мумкинми?

Н. БОЙМУРОДОВ
Жиззах шаҳри



Йўқ. Меҳнат кодексининг 101-моддаси 2-қисмига мувофиқ касаба уюшма қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини имтиёзли диплом билан тугатганлар ким томонидан иш билан таъминланади?

И. МЕЛИКОВ
Китоб тумани



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 майдаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига:

талабалар қабул қилиш республикада олий ўқув юртлари учун белгиланган тартибда, тест синовларининг рейтинг натижалари асосида амалга оширилиши;

таълим йўналишлари бўйича қабул режаси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларини... ҳисобга олган ҳолда белгиланиши кўрсатилган. Демак, улар кадрларга буюртма берувчилар томонидан ишга жойлаштирилади.

Неча ёшдаги кишилар билан меҳнат шартномаси тузиш мумкин? Қандай ишларда ўн саккиз ёшга тўлмаганлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади?

Т. ХУДОЙБЕРДИЕВА
Навоий шаҳри



Меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш Меҳнат кодексининг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Булар қандай талаблар?

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Ёпиқ оғизга пашша тушмас. Мақол

Сақлашни билмасанг...

Акрамжоннинг тегишли рухсатномасиз ўқотар қуроли сақлаб келаётганидан хабар топган ИИБ ЖҚ ходимлари уни сўроқлаб келишди.

— Уйингизда қурол бор экан, олиб чиқинг.

— Бобомдан қолган.

— Рухсатномангиз борми?

— Йўқ.

— Унда топширишингизга тўғри келади.

У каравот остидаги сейфдан ТОЗ-16 русумли ўқотар қуролини чиқариб бераркан, рухсатнома олиш лозимлигини билмаганлигини тушунтирди...

Акрамжон бу ҳаракати (ҳаракатсизлиги – Д.М.) билан Жиноят кодекси 248-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги судда тўла исботини топди. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисида»ги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги қарорининг 8-бандига мос равишда квалификация қилинди.

Унга жазо тайинлашда айбига иқрорлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, турар жойида ижобий тавсифланганлиги ҳисобга олинди. Суд уни ушбу модда билан айбдор деб топиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Судланувчи «Бу жиноят эмас эди. Мени ёмон отлиққа чиқаришди. Бу кимгадир керак бўлган. Қуролни ўзим чиқариб бердим-ку», — дейиши мумкин. Шунинг учун қонунни бироз изоҳлаймиз.

Жиноят объекти — ўқотар қуроли билан муомала қилиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабат. Жиноятнинг объектив томони тегишли рухсатномасиз ўқотар қуролни сақлашдан иборат. Сақлаш деганда ўша ашёни ҳовлида, омборда ёки бошқа жойда сақланиши тушунилади. Субъектив томондан жиноят тўғридан тўғри қасд қилиш йўли билан содир этилади. Айбдор сақлаётган ўқотар қуроли бунга рухсатномаси бўлмагани ҳолда бир восита эканлигини идрок этади.

ЖКнинг 248-моддаси 4-қисмида тутилган ашёларни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилинади. Аммо қонунга хилоф равишда сақланаётган ўқотар қуроли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг бирон бир талабисиз кўнгилли равишда, сақловчининг ўз хоҳиш-иродаси билан топширилиши унинг жиноий жавобгарликдан озод қилиш шарти сифатида инобатга олинади.

Шу муносабат билан Олий суд Пленуми қарорига кўра, шахс Жиноят кодекси 248-моддасида қайд этилган ашёларни эркин тарзда топшириш тўғрисида қарорга келса ва бу ҳақда тегишли органга ёзма ёки оғзаки равишда мурожаат қилса, ўз ихтиёри билан топширилган ҳисобланади.

Шахс тинтув жараёнида ёки унда қурол борлиги ҳақида далиллар келтирилиши натижасида қуролни топшириш тўғрисидаги қарорга келса, у қуролни ихтиёрий топширган ҳисобланмайди. Шундай экан, расмийлаштирилмаган қурол сақламанг...

Довуд МАДИЕВ

Ishonch
2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815)

Миллат руҳи

I

Қўл телефоним жиринглади, кўтардим, таҳририятда хизмат қиладиган шогирдим. Сўрашгач, фақат ўзигагина хос бўлган самимият билан илтимос қилди:

— Устоз, яқинда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига йигирма йил тўлади, шу хусусда фикрларингизни қоғозга тушириб беролмайсизми?

Бир зум тараддудланиб турдим: «Нималарни ёзсам экан ёки вақтим тиғизлигини баҳона қилиб, рад этиб қўя қолсамми?».

Жавоб беришга ботинолмай турган фурсатда минг бир хаёлга бордим, дилимда эса «Она тилимиз давлат тили мақомини олганлиги бизга нима берди?» деган савол туғён урарди.

II

Биз институтда таҳсил олган етмишинчи йиллар Қарши шаҳрида ягона шоҳкўча бўларди. У ўша давр вилоят марказларида урфга айланганидек «йўқсиллар доҳийси» номи билан Ленин кўчаси деб юритилар, унга туташган кўчалар ҳам авомнинг тили айланиши мушкул атамалар ёки биз учун унчалик аҳамият касб этмайдиган кишилар номи билан аталарди: «Левобережная», «Калинин», «Коммунистический», «Индустриальная», «50 лет Октября». Шаҳарда мавжуд бўлган уч кинотеатр ва бир клуб номи ҳам бундан қолишмасди: «Россия», «Правда», «Ирригатор», «Дом офицеров».

Ўзбек филологияси бўлимида биздан ёши каттароқ, шоиртабиат йигит таҳсил оларди. Адабиётга ошнолик иккимизни яқинлаштирган, ўзаро суҳбат қуриб сира зерикмасдик, янги киноларга доимо бирга тушардик.

— Ука, правда ўзимизда ҳақиқат дегани бўладими? — сўраб қолди у бир куни кинотеатрдан чиқиб келаётганимизда.

Таажжубландим, ҳарбий хизматни олис Сибирда ўтаган, рус тилида ҳавасимизни келтириб бийрон гапирадиган киши нега бундай савол бераяпти экан? Барибир тилимга келган жавобни айтиб юбордим:

— Ҳа, нимайди?

— Шу кинотеатрни ўз тилимизда «Ҳақиқат» деб аташса бўлмасмиди?

III

...Олтмишинчи йилларнинг ўртаси, отам давлат хўжалигига фирқа қўмитаси котиби бўлиб ишга ўтди. Илгари дарсдан бўшаган вақтлари уйда бўладиган киши энди кўпинча биз ухлаб қолганда ишдан қайтар, гоҳида ҳафталаб отамизни кўрмасдик. Бир кун одатдагидек ишдан кеч қайтган отам иситилган овқатни нариданбери тамадди қиларкан, онамга ҳасрат билан айтган гапларини эшитиб қолдим:

— Бугунги йиғилишда вилоятдан келган вакил «Байналмилал» ни ўрисча айтишимизни талаб қилди, райком аъзоларининг ҳаммасига бирма-бир матнни ўқиттириб кўрди. Чўл хўжаликларидан бирида ишлайдиган бригада бошлиғи ўрисча ўқишни ўринлатолмаганди, вакил уни роса сўкди. Пахтадан бошқа нарсага вақти йўқ бечора деҳқон кўпчилик олдида изза бўлганидан йиғлаб юборди, раҳмим келиб кетди, унинг қилган меҳнатлари қадри тил билмаганининг ўрнини босолмади...

IV

Севимли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов «Тил — чиғаноқ, сўз — гавҳар» мақоласида шундай ёзади:

«Шўро замонида она тили ҳақида фахрланиб гапиришнинг ўзи ҳам миллатчилик деб баҳоланарди. Ўша йиллари фарғоналик ёш шоир Талъат Солиҳов «палакат босиб» «Она тилим» деган шеър ёзади. Шеър Фарғона вилоятининг «Коммуна» деган газетасида босилади (газетанинг номи ҳам сиёсий — «Коммуна!»). Шеър босилиб чиқиши билан ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетади. Шаҳар партия қўмитаси бюросида катта йиғилиш бўлиб, газета муҳарририга ҳайфсан берилади. Газетада адабий ходим бўлиб ишлаётган шоир ишдан ҳайдалади. Бундай ноҳақликка чидолмаган шоир «Ахир Расул Ҳамзатов ҳам «Она тилим» деган шеър ёзган. Китобида чиққан-ку!» деса, котиб дағдаға қилади:

— Чақир ўша Ҳамзатовингни! Унинг ҳам бюрода масаласини кўрамиз...

V

...Саксонинчи йилларнинг боши. Туман комсомол қўмитасига котиб бўлдим. Идорада ишловчилар биринчи котибимизнинг хизмат машинасини бошқарадиган йигитни ҳисобга олмаганда жами беш киши, бир ўзбек, иккитадан қирим татар ва туркман, ўша давр руҳи билан атаганда «байналмилал жамоа» эдик. Биз — иккинчи котиб Сервер ака ва мен ўзбек тилида мулоқот қилар, суҳбатга бошлиғимиз аралашиб қолса русча гаплашишга мажбур бўлардик. Бошлиқ жамоадаги ягона ўзбек бўлса-да, рус тилида таҳсил олган, бу тилда гаплашишни шаън деб биладиганлар сирасидан бўлиб, она тилига нўноқ эди. Шу боис бошқа ўнлаб идоралар сингари рус тилида иш юритишимизга тўғри келарди. У даврлар ортда қолди, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, она тилимиз давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган муқаддас тимсолларимиздан бирига айланди. Аммо ҳалигача қарор ва кўрсатмалар рус тилида келадиган идоралар учраб турганлиги кишини ўйлантиради.

VI

...Радио орқали берилаётган шўх қўшиқ тугаб, соат эрталабки еттига бонг урди, сўнг мамлакатимиз мадҳияси янграй бошлади. Ёнимда узала тушиб, қоғозга нималарнидир чизаётган уч яшар набирам — Асқаршоҳ ирғиб ўрнидан турди-да, радио овози келаётган хона томонга чопқиллади.

— Ҳа, ўғлим, қаёққа? — сўрадим уни тўхтатиб.

— Менам серқуёш айтаман, — деди у «шуниям билмайсизми» дея норозилангандек.

Эътибор берсам, кенжа қизим ҳар куни жиянчаларини радиога қўшилиб мадҳия айтишга ўргатган экан. Улар мадҳияни ижро этиб бўлишгунча қулоқ тутдим. Уйда ўзаро туркман тилида гаплашамиз. Кўчада ҳам шу ҳолат, аммо набираларим мадҳияни соф ўзбек тилида айтишди, талаффузларида шевадан асар ҳам топмадим. Давлат тилига ҳурматни болалардан ўргансак арзийди.

Анбар Отинда шундай мисра бор:

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,
Она тил бўлгай ўша тил – она тил.

Абдунаби АБДИЕВ



Фикрлашга даъват

Камолотга йўллаган таълим

Дунёдаги ҳар бир халқ фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор беради. Бизнинг миллат эса ўғил-қизи тимсолида келажакни кўради, эртанги умидларини болаларига боғлайди. Авлодни баркамол этиб тарбиялашда, маданиятли, маърифатли, ҳар жиҳатдан комил ва оқил этиб вояга етказишда аждодлар маънавий меросидан унумли фойдаланишни анъанага айлантирган. Зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»даги ўгитлар ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур ёдгорлик ўз давридаги тарбия ва таълим жараёни хусусида мукаммал тасаввур беради.

Масалан, чорвачилик билан шуғулланувчи қавмларда кўпроқ шу соҳага доир ҳунар ва малакалар ўргатилган: қиз болалар жундан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай олиши, ўғил болалар эса мол, туя, отларни парваришлаши, узоқ яйловларга сурув ҳайдаши, чорвани йиртқич ҳайвонлардан, қароқчилардан асрай олиши, ўттиз икки ҳарбий ҳунардан бохабар бўлиши шарт ҳисобланган. Ана шу малакалар ҳосил бўлгач қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида «лагомзадан» ва «зин задан» имтиҳонидан ўтган. Балоғат ёшига етгач рўзғор юритишни ўрганиб «кадбону» (уй бекаси), «кадхудо» (уй хожаси) бўлиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Ҳунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланувчи қавмларда йигитлар «камарбастан» расмидан ўтишган. Бунда қавм оқсоқоллари ҳар бир йигитни ота касбидан ташқари ҳарбий билимлар, чавандозлик, кураш, ҳар хил баландликларни ошиб ўтиш бўйича имтиҳондан ўтказишган.

Зардўштийлар ёшларнинг нафақат ҳунарли, балки билимли бўлишига ҳам алоҳида эътибор билан қарашган. Ушбу дин расман қабул қилингач, оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилади, мадраса типидаги билим даргоҳлари ташкил қилинади. Уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилади, таълим жараёнига математика, астрономия, тиб илми, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар тобора кўпроқ кириб боради. Ёшларнинг маънавий камолотига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бир томондан уларга зардўштийлик дини асослари, Ахурамазданинг фарзлари-ю Зардўшт ўгитлари пухта ўқитилса, иккинчи томондан уларни баркамол даражага етказиш учун уч яхши ишда сусткашлик қилмаслик: кори нек, гуфтори нек, кирдори некни ҳамиша эсда тутиш; уч ёмон ишдан, яъни кори бад, гуфтори бад, кирдори баддан юз ўгиришни қуймақулоқ қилиб ўргатишган.

Ҳар бир зардўштийнинг пок тийнат, хулқи ҳалол, қўли тўғри бўлишига жиддий эътибор қаратишган. Ана шу эҳтиёж ва талаблардан келиб чиқиб, «Авесто»да муаллимлар, тарбиячиларнинг бурчлари белгиланган, улар зиммасига жамиятнинг энг муҳим юки топширилганлиги қайта-қайта уқтирилган. Натижада муаллимлар ўз илмини нечоғлик ўзлаштирганлиги, касбига муносабати, чечан, уддабурон, фидойилиги, танбал, бефарқ, масъулиятсизлигига қараб яхши ва ёмон устозларга ажратилган.

Бизнингча, бугунги кунгача сақланиб келаётган устоз дуосини олиш, устозга ҳурмат, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат зардўштийлик қадриятлари билан ҳам боғлиқ.

Бундан кўринадики «Авесто» одам ва олам, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжам ифодасидир. Унинг баркамол шахс тарбиясидаги энг муҳим ҳиссаси шундаки, у инсоннинг ҳиссий ва ақлий оламига таъсир ўтказувчи, кишини фикрлашга даъват этувчи буюк қадриятдир. У миллат қонида, халқ қалби ва тафаккурида анъана, урф-одат, турмуш тарзи қатралари сифатида яшаб қолаверади.

Давлат ОБЛОҚУЛОВ,
СамДУ талабаси
Маҳбуба ЭРГАШОВА,
магистр

Мулоҳаза

1990-йилларда асосан Лотин Америкасида суратга олинган телесериаллар экран орқали хонадонимизга кириб кела бошлади. Гарчи оила даврасида бемалол кўриб ўтиришнинг унчалик иложи бўлмаса-да, уларнинг оддий ва айни дамда чигал воқеалари уй бекалари эътиборини банд қилди. Айтиш жоизки, кейинги йилларда халқимиз хаёти, анъаналари ва турмушимиз паст-баландликлари хусусидаги воқеалар акс эттирилган катор миллий сериаллар яратилмоқда. Бу таҳсинга сазовор. Негаки, томошабинларни, аввало, ўз ҳаётимиз ва дунёқарашимизга мос асарлар қизиқтиради.

Нотабиийликдан чекиниш...

Бироқ яратилаётган телеасарларнинг айримларида бадиий асос ва режиссура билан боғлиқ камчиликлар ва кишининг ғашини келтирадиган ясама саҳналар мавжуд. Айниқса, «Турмуш чорраҳаларида», «Умр манзаралари» туркумида бериб бориладиган асарларда бундай ҳолатлар кўп учрайди. Эмишки, турмуш ўртоғи билан уришиб қолган аёл эрининг оғайнисининг уйидан бошпана топади. Чунки унинг хотини билан опа-сингил тутинган эди. Эрининг ўртоғи бир неча бор шилқимлик қилса-да ва ҳатто очиқ-ойдин айтган илмоқли гапларидан кейин ҳам шу хонадонда яшаб тураверади. Покдомон ва хокисор аёл сифатида талқин этилган бу образнинг ҳаракатлари кишининг ғашини келтиради. Навбатдаги шилқимлиги иш бермаган эркак аёлга қарата: «Раҳмат дегин уйимда яшаётганингга», — дейди. Энг ажабланарлиси шундаки, хонадон эгасининг галдаги хиралигини қайтарар экан, аёл шундай дейди: «Хотинингиз билиб қолса нима бўлади?». Буни қандай тушуниш лозим? Бу бемаънилик, таъбир жоиз бўлса, аҳмоқлик эмасми? Демак, мазкур лавҳалар мазмунидан хотини билса ёмон, билмаса майли экан-да деган хулоса келиб чиқмайдими? Бу эса зўр бериб бечорагина аёл сифатида талқин этилаётган ижобий образ учун нотабиий хусусият эмасми?

Бундан ташқари, халқимизда эри билан муросаси келишмай қолган аёл ҳар хил одамларнинг эмас, аввало ота-она, ака-укаси паноҳига бош уриб боради. Юзага келган муаммо оилавий доирада ҳал қилинади. Адашмасам, бизнинг миллий ҳаёт тарзимизда шу тахлит иш тутиш одат саналади.

Асар сўнгида ғаламис дўстини ўт кетган ўз уйидан олиб чиққан йигит ишда ҳам, оилавий ҳаётида ҳам панд берган «дўсти»нинг узрини бажонидиқ қабул қилади. Демак, ижобий бўёқларда тасвирланаётган бу йигитни ё овсар ёки ясама одам деб қабул қилишимиз керак. Тўғри, кечиримлилик, бағрикенглик улуғ фазилат, бироқ ҳар нарсада меъёр бор. Ана шу меъёр бузилган жойда табиийлик ўрнини бачканалик эгаллайди. Табиийликдан йироқ, мазмун-моҳияти ҳаётий воқеликка мос келмайдиган, томошабинга ҳеч қандай тарбиявий таъсири йўқ бундай асарларни вақт ўгриси деб аташ мумкин холос.

Кореялик ижодкорлар маҳоратининг бу борада ўрнак бўларли жиҳатлари кўп. Тўғри, бироз ошириб юборилган саҳналар ҳам мавжуд. Бироқ бунда миллий манфаатлар кўзда тутилган. «Сарой жавоҳири» телесериалини олайлик. Унда корейс халқининг тарихи, қадим илдизга эга халқ табобати, юксак даражадаги пазандалик санъати гўзал тарзда тасвирланган. «Бетховен вируси» сериалида эса кореялик оддий кишиларнинг ҳам мумтоз мусиқани нозик ҳис қилиши, қадрлаши, умуман олганда, халқнинг мусиқа маданияти юқори даражада экани очиб берилган. Ушбу мамлакат ижодкорлари томонидан яратилган яна бир асарда халқ ичидан етишиб чиққан тасвирий санъатнинг афсонавий билимдонлари ҳаёти хусусида ҳикоя қилинса, бошқасида халқ амалий санъати улуғланади. Бу телесериалларни кўрган томошабин беихтиёр кореяликлар санъати, маданияти, тафаккури бой халқ экан деган тушунчага эга бўлади.

Ушбу сериалларда ягона ғоя — миллатни улуғлаш, қадимий анъана ва қадриятларни кореялик ёшлар онгига сингдириб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва корейс халқининг бой маданияти ҳамда тарихи хусусида бошқа халқларда ҳам тасаввур уйғотишга асосий урғу берилади.

Ана шу жиҳатларни инобатга олганда бундай асарлар миллий сериал деган номга тўла ҳақли. Бироқ турмуш икир-чикирлари, оилавий низолар ва қўйди-чиқдилар асосидаги воқеалар акс эттирилган телеасарларни миллий сериал деб аташ мумкинми? Миллий сериал аввало томошабинда шу юрт, шу ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга садоқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса асарнинг ғоявий-бадиий қиммати юқори бўлиши талаб этилади. Дўппини бир четга қўйиб ўйлаб кўрайлик. Бизнинг халқимиз ичидан табобат билимдонлари етишиб чиқмаганми, буюк математик, тенги йўқ астроном, файласуф, жаҳонгир саркарда, тасвирий ва амалий санъат соҳаларининг даҳолари бўлмаганми? Аслида Беруний, Ибн Сино, Камолиддин Беҳзод, Аҳмад Фарғоний, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек каби буюк аждодларимизнинг ҳаёти авлодлар учун чинакам ватанпарварликка тенгсиз тимсолдир. Она заминимизда турли даврларда буюк давлатчиликка асос солган сулолалар тарихи ҳам бугунги авлод билиши, ўрганиши керак бўлган мавзулардан саналади.

Жаҳон цивилизациясига улкан улуш қўшган, қадимий маданият марказларидан бири сифатида бутун дунё тан олган юртимиз тарихи, илм-фан, маданият, санъат, қадрият ва анъаналаримиз талқин этилган асарларга бугунги кунда ҳам ҳар доимгидек эҳтиёж катта. Ана шундай асарларгина миллий сериал деган номга муносиб бўлади.

Феруза ЭГАМОВА

Сингапур — 2010

Мақсадим — юртимизга ғалаба билан қайтиш

Маълумки, жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда биринчи ўсмирлар Олимпиадаси бўлиб ўтади. Илк маротаба ташкил этилаётган нуфузли спорт анжуманида мамлакатимиз спортчилари ҳам қатнашишидан хабарингиз бор. Унда 21 нафар спортчи ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Айни кунларда барча иштирокчилар малакали мураббийлар қўл остида махсус режа асосида машғулотлар олиб боришмоқда.

Вакилларимизга пухта ҳозирлик кўриш учун Ўзбекистон кураш ассоциацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан замонавий талабларга жавоб берадиган барча шароитлар яратиб берилганини таъкидлаш ўринли, албатта.

Биз яқинда «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида бўлиб, юнон-рум кураши бўйича Сингапур Олимпиадасида иштирок этадиган спортчиларимизнинг тайёргарликлари билан қизиқдик. Ана шундай вакилларимиздан бири Нурбек Ҳаққуловдир.

Нурбек Ҳаққулов 1993 йилда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилган. Айни пайтда у Самарқанд Олимпия захиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлимининг иккинчи босқичида таҳсил олаяпти. Етти йилдан буён шу спорт тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Шу давр ичида бир неча бор Ўзбекистон чемпионлиги ва турли халқаро турнирлар ғолиблигини қўлга киритди. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Унинг ортида тинимсиз ҳаракат ва тажрибали мураббийларнинг заҳматли меҳнатлари ётибди.

Шу ўринда биринчи устозлари ҳақида... Нурбек Олимпия захиралари коллежи ўқитувчилари Акбар Қувондиқов ва Ҳаким Накимов берган кўрсатмаларни бекамукўст адо этиб борди. Бу интилишлар ўз натижасини бермасдан қолмади. У 2008 йили Тошкентда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 42 кг. вазн тоифасида Осиё чемпиони бўлди. Москва, Киев, Новосибирск, Ростов шаҳларида уюштирилган ўсмирлар ўртасидаги халқаро мусобақаларда кетма-кет ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, устозлари ишончини оқлади. Айнан ўша турнирлар Нурбекнинг Олимпиада ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтаб берди. 2008 йилда ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида ғолиб чиқиб, ўсмирлар терма жамоасига аъзоликка қабул қилинди.

— Бугунги кунда Нурбек Ҳаққулов ва Руслан Камилов терма жамоа таркибида машғулотлар олиб бораяпти, — дейди бош мураббий. — 9 августга қадар машғулотларни якунига етказиб, Сингапурга йўл олиш режалаштирилган.

Нурбекнинг орзулари бисёр. У келажакда ўсмирлар термасидан ёшлар термасига, ёшлардан эса катталар терма жамоасига ўтиб, келгусида Дилшод Орипов, Баҳодир Қурбонов, Александр Докторашвили каби юнон-рум кураши усталари сингари улкан муваффақиятларга эришиб, 2012 йили Буюк Британия ва 2016 йилда Бразилияда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида ватанимиз шарафини ҳимоя қилишни ният қилган.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Тараддуд

Термиз шаҳрида «Баркамол авлод — 2011» Республика спорт мусобақаларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, 10 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мавжудлари таъмирланяпти.

«Баркамол авлод — 2011»

Яқинда, ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари, алоқадор ташкилот раҳбарлари ҳамда мусобақаларни ўтказиш бўйича республика вакили Р.Қосимов иштирок этди.

Йиғилишда тадбирга тайёргарлик кўриш юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, ташкилий қўмита ва ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, мусобақа бўлиб ўтадиган жойлар, ўйингоҳлар, ётоқхона, ошхоналарни тахт ҳолга келтириш, жамоат тартибини сақлаш, маданий-маърифий тадбирларни юқори савияда ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

— Тасарруфимиздаги жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли «Алпомиш» ўйингоҳи таъмири учун Ўз КУФК томонидан 1 миллиард сўм ажратилгани ишимизни янада осонлаштирди. Яқин орада, ўйингоҳимиз тўлиқ қайта таъмирланиб, катта спорт байрамига тайёр бўлади, — деди Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, ташкилий қўмита аъзоси А.Аҳмедов.

Болалар спорти

Меҳр кунда керак

Сурхондарё вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раҳбарияти фақат спорт базаларини кенгайтириш, иншоотларни зарур анжомлар билан таъминлаш билан чекланиб қолмай, балки ёз фаслида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, турли тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жамғарма томонидан яқинда «Ҳар фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида волейбол, қўл тўпи, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, мини футбол, енгил атлетика турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақаларда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари, мактабларда таълим олаётган ўқувчилардан жами 35 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Уларнинг 19,3 минг нафари қиз болалардир.

Қизиқарли ўтган беллашувларда Жарқўрғон, Узун, Қизириқ, Шеробод туманлари ёшларининг қўли баланд келди. Уларга жамғарманинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Жамғарма мутахассислари жойларда «Ёз — 2010» спорт мусобақаларини ўтказишга катта масъулият билан ёндашмоқдалар.

Р. ДАВЛАТОВ

Ishonch

2010-yil 27-iyul № 89-90 (2815)

Ҳунар — зар

Бахмал гиламлари

у нафосат, эзгулик, муҳаббат ва боқийлик рамзи бўлиб жилоланади

Сўпи — пурвиқор тоғлар бағридаги сўлим Бахмалнинг энг олис ва чекка қишлоқларидан бири. Қишлоқ одамлари боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади.

— Истиқлол йилларида ҳукуматимизнинг касаначилик ривожига алоҳида эътибори туфайли қишлоқ аёлларини фаол ижтимоий меҳнатга жалб этиш имкони яратилди, — дейди «Бахмал» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рисбой Сойипов. — Бугун биргина анъанавий гиламчилик соҳаси билан юздан зиёд ёшлар машғул.

Йиғин раисининг «анъанавий» сўзига алоҳида урғу берганича бор экан. Қишлоқда истиқомат қилувчи 91 ёшли кайвони онахон Ўролой момо билан суҳбатимиз асносида бунга амин бўлдик.

— Гиламчилик қишлоғимизда уч юз йиллик тарихга эга, — дейди ғурур билан Ўролой момо, — Ҳунарли бўлишга интилиш қадимги момоларимизда ҳам кучли бўлган. Улар улғайиб келаётган қизлари-ю, невараларига турли ҳунарларни ўргатишган. Шу боис миллий маданият намуналари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўзим ҳам эсимни танибманки, гилам тўқийман. Тўқилган сонсаноқсиз гиламларда меҳр ва кўз нурим, меҳнатим борлигидан мамнунман. Ҳозир ҳам невара, чевара-ю, келинларимга, қиз-жувонларга маслаҳатимни аямайман. Аслида гилам сифати ипларни тайёрлаш, дастгоҳ ўрнатиш сингари ишларнинг қай даражада пухталигидан бошланади. Буларнинг барчаси гилам тўқувчидан юксак маҳорат, жисмоний меҳнат, синчковлик ва яна муҳими, меҳр ва сабр-тоқат билан ишлашни талаб этади.

Гилам асосан қўй ва эчки жунидан тўқиларди. Баъзан гилам гуллари ва ҳошияси учун туя жунидан ҳам фойдаланилади. Ипак ҳам ўз ўрнида ишлатилади. Гилам ипларини тайёрлаш(жунни тозалаш, ювиш, қуритиш, урчуқда йигириш, тарқаш)га 3-4 ой вақт сарфланарди. Иплар ўз навбатида сувда қайнатилиб, махсус ранг бўёқларида бўялади ва қуритилади. Гиламни тўқишга ўртача 15-20 кун вақт кетади.

Гилам нусхаларини ижод қилиш катта маҳорат талаб этади. Шу боис яратилган нусхалар ҳам ҳадеса ўзгаравермайди. Гилам тўқиш учун одатда унинг таг иплари дастгоҳга мустаҳкамланади. Унинг ўртасига ингичка тахтадан қилинган бод ўрнатилади. У гилам нусхаларини очиб-ёпиб туришга хизмат қилади. Нусха танланади. Рангли иплар бод орасидан ўтказиб борилади. Гиламни зичлаш учун тўқмоқ билан урилади. Шу тариқа нечта тўқувчи ишлашига қараб гилам битади.

Гилам табиий тоза буюм ҳисобланади. Деворга осилган ёки хонага тўшалган гиламлар уйнинг кўрки, безаги бўлибгина қолмай, қишда совуқдан ҳам ҳимоя қилади.

Айтишларича, гилам тўшалган уйда улғайган ўғил-қизларнинг аксарияти ревматизм (бод) нималигини билишмайди.

— Айниқса, чақалоқ ва ёш болалар гиламда ағанаб, ўйнаб улғайса, фойдаси бениҳоя бўлишини келинларимга ботбот уқтираман, — дейди Ўролой момо.

Қишлоқда гиламлар асосан ҳашар йўли билан (қиз-жувонлар ўзаро ҳамжиҳатликда) тўқилгани учун қисқа фурсатда тайёр ҳолга келади.

Турмушга узатилаётган қизлар ўзи тайёрлаб тўқиган гиламни «бош сепим» дейишади ва у келин-куёв меҳмонлар даврасига чиққанида базм деворини безаб туради. «Эпли келин, сепли келин», деган мақолни ҳам бахмалликлар гиламга нисбат бериб айтган бўлсалар ажабмас.

Бугун қишлоқда гиламларнинг гули, ҳашами, ҳошияси, ўлчамига қараб ўндан ортиқ хили тўқилмоқда. Бозор нархи ҳам ўзига яраша.

Баъзан гиламларга илтимосга кўра чевар қиз номи, бўлажак келинчак исми, тўқилган йили, ойи ҳам туширилади. Йўлбарс, бўри, олмахон, кийик суратлари, тоғ арчаси барги, олма барглари, лола ва атиргуллар нусхалари эса табиий ранглар жилосида ўзгача фусун бағишлаб, кўзни қувонтиради, дилни яйратади. Санъат даражасидаги бу ишларга тасаннолар айтасан, беихтиёр.

Ҳозирги пайтда Улқаной Қўйсинова, Бурулой ва Қўйсиной Норбекова, Қўнғирой Сойипова, Гулнора ва Нургул Тўйчиева, Хайитбуви Хонқелова сингари ўнлаб сўпилик гиламдўз-чевар қиз-жувонлар қишлоқда касаначилик ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишаяпти. Бу олтин қўллар тўқиган, гўзал ва фусункор Бахмал табиатини ўзида жилолаган нафис гиламлар юзлаб хонадонларга алоҳида гўзаллик ва нафосат бахш этиб турибди.

— Уйимиз тўрида катта боболаримиз боққан қўйлар жунидан, чўнг момоларимиз бармоқ сеҳридан яралган гилам ҳамон осиғлик турганидан ғурурланаман, — дейди Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходими Тўлибой Тўйчиев. — Айтишларича, мана бир асрдирки, бу гилам чўғдек ёниб, доимо хонадонларга қут-барака, одамларга эса эзгулик тилаб келаркан.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёз — 2010

Яйра, қувна, болажон!

Жиззахда болаларни ёзги соғломлаштириш республика ҳамда вилоят комиссияларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика комиссияси вакили Асолат Эргашева ахборотида таъкидланганидек, вилоятда иккинчи даврада фаолият юритаётган «Пахтакор», «Наврўз», «Лочин», Ш.Рашидов, Амир Темур номли оромгоҳларда қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Масалан, масканлар малакали кадрлар билан таъминланиб, қаттиқ ва юмшоқ мебел жиҳозлари янгиланишига эришилган, маданий-маърифий жабҳада ҳам ўзгаришларга эришилган. Оромгоҳлар ҳомийлар ҳисобидан 12 та ҳужжатли ва бадиий филмларга эга бўлганлиги ҳам қувончли ҳолдир.

Ҳозиргача икки даврада 6378 бола дам олдирилди, шулардан 96 нафари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, 96 нафари эса кам таъминланган оила фарзандлари эканлиги эътиборлидир.

Савдо ва таъминот ташкилотлари етказиб бераётган озиқ-овқат, гўшт-сут маҳсулотлари меъёрланган чегарадаги нархлар бўйича устамалар билан етказиб берилмоқда. Оромгоҳлар тез тиббий ёрдам ҳамда зарур дори-дармонлар билан таъминланган. Навбатчи автомобил транспорти ажратилган.

Йиғилишда болалар оромгоҳлари фаолиятини янада яхшилашга мутасаддилар эътибори қаратилиб, улар зиммасига мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудликда бартараф этиш вазифаси юклатилди.

А. АЗИМОВ

Баркамоллик сари қўйилган қадамлар айнан ана шу даврга хосдир. Агар Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли «Ишонч» болалар оромгоҳида бўлсангиз, ёш ўғил-қизлар кўзидаги чақинни кўриб, ўзингизни ўша беғубор дамларга қайтгандек ҳис қиласиз беихтиёр.

Самога талпиниб ўсаётган дарахтлар, мевалари ғарқ пишган боғ, қирғокларини ўпиб мавжланиб оқаётган бийрон сув йўли қалбларга осойишталик бағишлайди. Кармана тумани табиати бағридан танланган ушбу оромгоҳ раҳбари Шокир Қурбонов шундай дейди:

Ёш кўнгилга шодлик ярашгай



Репортаж

— Масканга «Ишонч» дея ном танлаганда уни минтақада энг ишончли, сўлим, кўплар орзу қиладиган оромгоҳга айлантириш нияти назарда тутилгани рост. Ҳозирда ўша мақсадларимизга тўлиқ эришдик, деб айта оламан. Ётоқхоналардаги яп-янгги, юмшоқ ўриндиқлар, бир-варакайига 80 нафар болани овқатлантиришга мўлжалланган ошхона, алоҳида душ ва ювиниш хоналари ... Волейбол, футбол ўйингоҳлари, теннис, шахмат-шашка, сузиш ҳавзаси доимо болажонлар билан банд. Маданий-оммавий ишлар ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, уларнинг ҳар бири ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Суҳбатимиз бўлинди. Оромгоҳ ҳовлисидан бир гуруҳ меҳмонлар кириб кела бошлади. Улар вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида тузилган режа-тадбирга кўра дам олувчиларга хизмат кўрсатиш учун ташриф буюрган турфа соҳа вакиллари эди. Кўп ўтмай, оромгоҳ бағрида жамланганлар «Саломатлик» маркази шифокори Муҳаббат Жумаеванинг «Соғлигимиз — бойлигимиз» мавзусидаги қизиқарли суҳбатидан баҳраманд бўлишди. Шундан кейин даврадошлар диққати вилоят ХТБ Ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан тайёрланган «Олтин тож» кўрик-танлови томошаларига қаратилди. Тадбирнинг бевосита иштирокчиларига айланган 4 нафар ўғил-қиз зукко ва топқирликда, шўхлик ва ҳозиржавобликда ўзаро беллашдилар. Болаларнинг беғубор ҳайқириқлари-ю, тенгдошларини ортда қолдириб, чинакам олтинтож соҳибасига айланган Юлдузхон Сатторованинг қувонганини айтмайсизми?! Фурсатдан фойдаланиб, ғолиба қизни суҳбатга тортамиз.

— Мен оромгоҳга Конимех туманидан келганман. Бу ердаги шароит, ширинсўз мураббийлар, қизиқарли тадбирлар менга жуда ёқмоқда. Ҳар гал телевизор орқали «Олтинтож» кўрсатувини қизиқиш билан томоша қилиб борардим. Бу сафар бевосита унинг иштирокчиси ва ғолибига айландим. Бошимдаги тожни асраб-авайлаб, қишлоғимга олиб кетмоқчиман. Айниқса, рақс тўгарагида олган сабоқларимни доимо эслаб юрсам керак.

Тадбирлар тугагач, вилоят ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича котибият бош мутахассиси Моҳигул Шамсиддинова, бирлашма маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудираси Анорхол Нурматовалар касаба уюшмаси ҳамда кўнгилли ҳомийлар томонидан эсдалик совғаларини болажонларга тақдим қилишди.

Шундан кейин давра бадиийлаштирилган томоша ташкилотчилари ихтиёрига топширилди. Беғубор ҳазил-мутойиба, кўнгилочар рақс ва мусиқа анчагача оромгоҳ оғушини тарк этмади.

Бу орада санитария-эпидемиология станцияси ходимлари маскан ҳудудини синчковлик билан назоратдан ўтказишга улгурдилар. Нилуфар Нарзиева бошчилигидаги бир гуруҳ китоб бойламларини кўтарган қизлар масканда фаолият юритаётган кўчма кутубхона тахмонларини болажонларнинг севимли эртак китоблари билан бойитиб қайтдилар.

Биз ҳикоя қилганимиз — тасодифий дуч келинган бир кунлик тадбирлар эмас. Истиқлол фарзандларига бўлган бу эътиборни ҳозирда вилоятнинг барча оромгоҳларида учратиш мумкин.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Изтироб

Фарзандимни кўрган борми?

39 йилдан бери фарзандини излаётган ота мактуби

Ҳаёт бошимга ўта оғир синов солди. Ўта оғир дейиш ҳам балки камлик қилар. Ўттиз тўққиз йилдирки, на кунимда, на тунимда ҳаловат бор...

Асли хоразмликман, 1940 йили Урганч туманида туғилганман. 1966 йилда рус аёлига уйланган-дим. Шу йилнинг декабр ойида биринчи фарзандим Аллаберган (Алик), 1968 йилда эса қизим Наташа туғилди. 1968 йили оиламни олиб Россиянинг Мурманск вилоятига кўчиб кетдим. 1971 йилнинг январ ойида ўз юртим ва қондошларимни соғиниб, 5 яшар ўғлим Аллаберган билан йўлга чиқдик. Хоразмга бориш учун Тошкент темирйўл вокзалида билет олмоқчи бўлдим. Кутиш залида ўғлимни, совға-салом солинган икки жомадонни қолдириб, касса томон кетдим. Навбатим етиб, билетни олиб қайтдим. Не кўз билан кўрайки, на ўғлим ва на жомадонлар бор, улар худди қумга сингган сувдек ғойиб бўлишибди. Шу кундан бошлаб ҳаётим зулматга айланди. Вокзал атрофида 5 кун фарзандимни дараклаб юрдим. Нажот истаб кирмаган эшигим, сўрамаган одамим қолмади. Шу ердаги милиция пунктига фарзандим топилса, хабар етказишларини сўраб, яшаш манзилимни қолдирдим. Бироқ синоатга тўла дунёда фарзандим ҳам мен учун бир сирдек бўлиб қолди. «Энди нима қиламан?», «Оиламнинг бағрига қайтишга ҳақим қолдими?», «Ўғлимни йўқотиб, қандай бош кўтариб юраман?..». Бу каби саволларнинг ниҳояси йўқ. Нима қилаётганимни биладиган, фикрлайдиган ҳолим ҳам қолмаган эди. Ўзим ҳам тузукроқ англамай Россиянинг Красноярск шаҳрига иш қидириб кетиб қолибман. Ўзимга келишга ярим йил керак бўлди. Яна Ўзбекистонга қайтдим ва Сирдарё электр ишлаб чиқариш корхонасига ишга кирдим. Тошкент вокзалига ўғлим ҳақида бирор дарак топарман деб яна келдим. Шу ердаги ички ишлар бўлимининг кексароқ ходими: «Ўғлингни ҳалиям қидириб юрибсанми? Беш ойлар олдин ҳаво йўллари ҳудудида бир бола топилибди, бориб кўр, балки сенинг ўғлингдир...», — деб йўл кўрсатди. Оёғимни қўлимга олиб, ҳаво йўллари ҳудудида жойлашган «Қаровсиз болаларни қабул қилиш бўлими»га етиб келдим. Бу ердаги ходимлар ўғлим Аллаберганнинг расмини кўриб, худди шу болани Тошкент шаҳридаги 11-меҳрибонлик уйига жўнатишганини ва ўша ердан топишимни айтишди. Қўлимга ҳақиқатан ҳам ўғлим Аллаберганни 11-меҳрибонлик уйига жўнатишгани ҳақидаги маълумотномани тутқазишди.

Бир дунё орзулар билан 11-меҳрибонлик уйига келдим. Лекин ходимлар ўғлинг бу ерда эмас, биз уни қабул қилмаганмиз деб мени ҳайдаб чиқаришди. Бироқ умидимни узолмадим, қайта-қайта келавердим. Бир хил жавоб: ўша дўқпўписалар, ҳақоратлар... «Отаси бўлсанг, болангни кўчада қолдириб кетармидинг?» қабилидаги гаплар. Хуллас, нажот истаб тақиллатган эшигим тақатақ бекилди.

Вақтни ҳар нарсага даво бўлади дейишади. Бироқ фарзанд доғида ўртанган қалбга ҳеч нарса малҳам бўлмас экан. Гарчи қайта уйланиб, яна икки фарзандли бўлган бўлсам-да, Аллаберганимнинг ўрни юрагимда ҳувиллаб тураверади.

Юзим шувутлигидан, ўғлимни йўқотганимдан номус қилиб, олдинги оиламга, Мурманскка умуман бормай қўйган эдим. Мана бир йилдан ошиқроқ вақт ўтмоқда, Мурманскда яшаётган қизим Наташа билан топишиб, телефон орқали бўлса-да гаплашиб турибмиз. Аллоҳ насиб қилган бўлса, шу йилнинг охирларида қизим билан дийдорлашмоқчимиз. Бироқ акасининг йўқолганини унга айтишга юзим чидармикан?

Азиз муштарийлардан ўтинчим шуки, Яратганнинг мўъжизаси сабаб ўғлимни кўрган, унинг тақдиридан бохабар бирор киши бўлса, менга хабар қилса. Ёки 1971-йилларда 11-меҳрибонлик уйида ишлаган ходимларни топишга кўмак беришса. Зора, фарзандим тақдиридан бохабар бўлсам. Кимдир унга ота-оналик қилган бўлса, уларнинг ҳам розилигини ололсам, фарзандим дийдорига бир бор бўлса-да тўёлсам деган умиддаман.

Кенжа АЛЛОҚОВ,
Боёвут тумани
Боёвут шаҳарчаси Наврўз маҳалласи

Миннатдорчилик

Кўлингиз дард кўрмасин!

Иш жараёнида руҳий қийинчиликларга дуч келиб, оғир хасталикка чалиндим. Яқинда қаттиқ сиқилиш натижасида чап қўл ва оёғим ўз-ўзидан ишламай қолди. Фарзандларим ва қариндош-уруғлар хавотирга тушиб, Денов туман тиббиёт бирлашмасига қарашли асаб касалликлари шифохонасига ётқизишди. Дардим оғирлигини эътиборга олган бош врач Мирзоҳид Саидов кеча-кундуз ўз назоратига олди. Муолажалар туфайли тез кунда соғайиб, оилам бағрига қайтдим. Мирзоҳид Саидов ва ҳамшира Қундуз Иброҳимовага ўзим ва оилам номидан миннатдорчилик билдириб, қўлларингиз асло дард кўрмасин дейман.

Соатмўмин ДЎСАТОВ,
2-гуруҳ ногирони

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Наманган вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши жамоалари АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси Аъзамжон Ҳайдаровга онаси **МАЛИКАХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши жамоалари тармоқ кенгаши раиси Аъзамжон Ҳайдаровга волидаи муҳтарамаси **МАЛИКАХОН ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгаши жамоаси Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси **Аҳмаджон ҲАСАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 31 июл, шанба куни чиқади.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: T.Shernayev
Navbatchi: Sh. Abdusamadov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Буюртма Г — 651

12995 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5